

А. П. ОСТРОВСКИЙ

КАМБАҒАЛЛИК АЙБ ЭМАС

(УЧ ПАРДАЛИ КОМЕДИЯ)

ЎЗССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1953

БИРИНЧИ ПАРДА

Гумашталар турадиган кичкина хона; тўрда эшик, чап томондаги бурчакда кровать, ўнг томонда шкаф; чап томонда дераза, дераза тагида стол, унинг ёнида стул; ўнг томондаги девор ёнида конторка блан ёғоч табуретка; кровать ёнида гитара; стол ва конторкада китоб ва қорозлар.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Митя уй ичида кезиб юради; Егорушка табуреткада „Бова Королевич“ ни ўқиб ўтиради.

Егорушка (*ўқийди*). „Шаҳаншоҳ отам, донғи кетган паҳлавон қиролим, Кирибид Верзоулович, эндиликда мен унга тегаолмайман, негаки, ёшлигимда мени шоҳ Гвидонга унаштириб қўйишган эди“.

Митя. Егорушка, хўжайинлар уйдами?

Егорушка (*ўқиб турган жойни йўқотмаслик учун бармоғи блан босиб туриб*). Ҳечким йўқ; извошга тушиб сайр қилгани кетишди. Ёлғиз Гордей Карпичнинг ўзи ўтирипти. (*Ўқийди.*) „Алқисса, Кирибид Верзоулович қизига депти“... (*Бармоғи блан босади.*) Аммо, шунақанги жаҳли чиқиб ўтириптики асти қўяверасиз! Мен чиқиб кетибман ҳамки, сўкиниб ўтирипти. (*Ўқийди.*) „Алқисса, малика Милитриса Кирбितьевна Личарда деган хизматкорини ўз қошига да'ват этиб...“

Митя. Кимдан хафа бўлаяпти?

Егорушка (*яна бармоғи блан босади*). Любим Карпич амакимдан хафа. Ҳайитнинг эртаси куни Любим Карпич амаким бизниқида обед қилган эдилар,

обед устида маст бўлиб, бўлар-бўлмас қилиқлар қилиб, ҳаммани кулдириб ўтирдилар. Менинг арзир-арзимас нарсасига куладиган одатим бор, бирдан кулгим қистаб, хахолаб юбордим, мени кўриб бошқалар ҳам кулишди, Гордей Карпич амаким, бу нодонлик, сен мени масхара қилаяпсан деб жаҳллари чиқиб кетди-да, уни ҳайдаб юбордилар. Любим Карпич бўлса, улардан ўч олмоқчи бўлиб, шўхлик қилиб, черков олдида тиланчилик қиладиган гадойлар орасига бориб туриптилар. Гордей Карпич амаким эса мени бутун шаҳар халқи олдида шарманда қилди, дейдилар. Шундан бери жаҳллари чиқиб, ким кўринса, шундан аламларини олиб юриптилар. *(Ўқийди)* „Шу ният блан шаҳримиз бўсағасига бостириб келди“.

Митя *(деразадан қараб)*. Улар қайтишганга ухшайди... Ҳа, қайтишибди! Пелагезя Егоровна, Любовь Гордеевна блан бирга меҳмонлар ҳам келишяпти.

Егорушка *(эртани чўнтағига яширади)*. Юқорига югуриш керак. *(Кетди.)*

ИККИНЧИ КУРНИШ

Митя *(ёлғиз ўзи)*. Худосей, жуда диққинафас бўлиб кетдим-ку. Кўча-кўйда ҳайит, ҳамманинг ўйида ҳайит бўлсаю, мен эса тўрт девор ичида ўтиришим керак! Яккаю-яғонаман, қариндошим ҳам, таниш-билишим ҳам йўқ! Бунинг устига устак... Ҳа, майли, бўлганча бўлар! Яхшиси ўтириб ишимни қилай, балки кўнглим ёзилар. *(Конторка ёнига ўтириб, хаёлга толади, кейин ашула айтабошлайди.)*

Ҳуснини тасвирлаб бўлмайди асло!

Қошлари қорадур, кўзлари шахло¹.

Ҳа, кўзлари шахло. Кеча устида совсар пўстин, бошида рўмол, ибодатдан қайтаётган экан... вой-воей!.. Менимча, бундай гўзал қиз оламга келмаган бўлса керак! *(Хаёлга толиб, кейин ашула айтади.)*

Қайси боғнинг гули экан бу гўзал...

¹ Комедияда учрайдиган қўшиқларни Рустам Комилов таржима қилган.

Эй шунақа пайтда минга иш кирармиди! Унинг ҳақ-қиди ўйлагганим ўйлаган. Интизориди юрак-бағрим ёпилиб кетди. Вой, шўр пешонам, шўр пешонам!.. (Кўзини қўллари билан беркитиб, индамай ўтиради)

Несинк кийинган Пелагея Егоровна кириб останада тўхтади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Митя блан Пелагея Егоровна.

Пелагея Егоровна. Митя, Митенька!

Митя. Лаббай? Нима дейсиз?

Пелагея Егоровна. Кечқурун бизникига чиққин-а, чирогим! Қизлар блан гурунглашиб, ашула айтишиб ўтирасизлар.

Митя. Жуда миннатдорман. Бажону-дил.

Пелагея Егоровна. Ҳадеб конторда ёлғиз ўзинг ўтираверасанми! Кишининг юраги сиқилиб кетади! Чиқасанми? Гордей Карпич уйда бўлмайди.

Митя. Хўп бўлади, албатта чиқаман.

Пелагея Егоровна. Яна жўнамоқчи-ку ахир... тагин ўшаникига, ўзининг... ҳаҳ... оти нима эди?...

Митя. Африкан Савичникигами?

Пелагея Егоровна. Ҳа, ҳа! Нимага ҳам бизга илашиб олди, уйинг куйгур!

Митя (стул қўйиб беради). Ўтиринг, Пелагея Егоровна.

Пелагея Егоровна. Ўтиришга вақтим бор дейсанми. Ҳа, майли, пича ўтирсам, ўтирай. (Ўтиради.) Ҳая, шуни айтгина... қаёқдан ҳам келиб қолди у! Хайронман!.. Шундай апақ-чапақ бўлиб кетгани. Ҳа! Шунақа! Мақсад нима? Нима кераги бор экан? Ҳеч ақлим етмай қолди! Африкан Савич дегани жанжалкаш, пияниста одам... Ҳа!

Митя. Балки Гордей Карпичнинг Африкан Савич блан бирорта шериклик ишлари бордир.

Пелагея Егоровна. Бо-о-о! Қанақа иш бўларди! Ҳечқанақа иши йўқ. Ахир, Африкан Савич

либ, ҳаммани эътириб ўтирибди. Менинг арзир-
ариммас нисбатини қўладиган одатим бор, бирдан кул-
гим қистаб, ҳаётимда юбордим, мени кўриб бошқалар
ҳам кулишди. Гордей Каринич амаким, бу подонлик,
сен мени масхари қилишсан деб жаҳллари чиқиб
кетди-да, уни ҳайдаб юбордилар. Любим Каринич
бўлса, улардан ўч олмоқчи бўлиб, шухлик қилиб,
черков олдида тилачилик қиладиган гадоёлар ора-
сига бориб туриптилар. Гордей Каринич амаким эса
мени бутун шаҳар халқи олдида шарманда қилди,
дейдилар. Шундан бери жаҳллари чиқиб, ким кўрин-
са, шундан аламларини олиб юриптилар. *(Ўқийди.)*
„Шу ният блан шаҳримиз бўсағасига бостириб келди“.

Митя *(деразадан қараб)*. Улар қайтишганга ўх-
шайди... Ҳа, қайтишибди! Пелагея Егоровна, Любовь
Гордеевна блан бирга меҳмонлар ҳам келишаяпти.
Егорушка *(эртакни чўнтагига яширади)*.
Юқорига югуриш керак. *(Кетади.)*

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Митя *(ёлғиз ўзи)*. Худоей, жуда диққинафас
бўлиб кетдим-ку. Кўча-кўйда ҳайит, ҳамманинг уйи-
да ҳайит бўлсаю, мен эса тўрт девор ичида ўтири-
шим керак! Яккаю-яғонаман, қариндошим ҳам, та-
ниш-билишим ҳам йўқ! Бунинг устига устак... Ҳа,
майли, бўлганча бўлар! Яхшиси ўтириб ишимни қи-
лай, балки кўнглим ёзилар. *(Конторка ёнига ўти-
риб, хаёлга толади, кейин ашула айтабошлайди.)*

Хусини тасвирлаб бўлмайди асло!
Қошлари қорадур, кўзлари шахло¹.

Ҳа, кўзлари шахло. Кеча устида совсар пўстин, бо-
шида рўмол, ибодатдан қайтаётган экан... вой-воей!..
Менимча, бундай гўзал қиз оламга келмаган бўлса
керак! *(Хаёлга толиб, кейин ашула айтади.)*

Қайси боғнинг гули экан бу гўзал...

¹ Комедияда учрайдиган кўшиқларни Рустам Комилов тар-
жима қилган.

Эй шунақа пайтда мияга иш кирармиди! Ушинг ҳақда ўйлаганим ўйлаган. Интизорида юрак-онгрим эзилиб кетди. Вой, шўр пешонам, шўр пешонам!.. (Юзини қўллари блан беркитиб, индамай ўтиради)

Иссиқ кийинган Пелагея Егоровна кириб остопадга тўхтади.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Митя блан Пелагея Егоровна.

Пелагея Егоровна. Митя, Митенька!

Митя. Лаббай? Нима дейсиз?

Пелагея Егоровна. Кечқурун бизникига чиқкин-а, чироғим! Қизлар блан гурунглашиб, ашула айтишиб ўтирасизлар.

Митя. Жуда миннатдорман. Бажону-дил.

Пелагея Егоровна. Ҳадеб конторда ёлғиз ўзинг ўтираверасанми! Кишининг юраги сиқилиб кетади! Чиқасанми? Гордей Карпич уйда бўлмайди.

Митя. Хўп бўлади, албатта чиқаман.

Пелагея Егоровна. Яна жўнамоқчи-ку ахир... тагин ўшаникига, ўзининг... ҳаҳ... оти нима эди?...

Митя. Африкан Савичникигами?

Пелагея Егоровна. Ҳа, ҳа! Нимага ҳам бизга илашиб олди, уйинг куйгур!

Митя (стул қўйиб беради). Ўтиринг, Пелагея Егоровна.

Пелагея Егоровна. Ўтиришга вақтим бор дейсанми. Ҳа, майли, пича ўтирсам, ўтирай. (Ўтиради.) Ҳая, шуни айтгина... қаёқдан ҳам келиб қолди у! Ҳайронман!.. Шундай апақ-чапақ бўлиб кеттишганки. Ҳа! Шунақа! Мақсад нима? Нима кераги бор экан? Ҳеч ақлим етмай қолди! Африкан Савич дегани жанжалкаш, пияниста одам... Ҳа!

Митя. Балки Гордей Карпичнинг Африкан Савич блан бирорта шериклик ишлари бордир.

Пелагея Егоровна. Бо-о-о! Қапақа иш бўларди! Ҳечқанақа иши йўқ. Ахир, Африкан Савич

инглиз блан ичишгани ичишган. Фабрикасининг директори инглиз булганидан кейин бирга ичишади-да... ҳа! Бизники уларнинг тенги эмас. Айтганинг бўлармиди! Фурури оламини босади. Бу ерда менга улфатчилик қилишга арзийдиган одам йўқ, бу ердагиларнинг бари аблаҳ, мужик, мужикдан фарқи йўқ, дейди; у бўлса москвали, бутун умрини Москвада ўтказади... ўзи ҳам давлатманд, дейди. Уни нима жини урди? Бирдан шунақа ўзгариб қолди-да, бирдан-а, дўстим! Илгари эси-ҳуши жойида эди. Жудаям, айтганидай тўла-тўкис яшамасак ҳам, бинойидек турардик, бошқаларнинг ҳаваси келарди. Бултур сафарга бориб, бировдан юқтириб келди-да. Рост, юқтириб келган, менга айтишди... ҳамма қилиқларини ўшақдан юқтириб келган. Энди бизнинг бутун рус одатларимиз унга ёқмасэмиш; ҳозирги замончасига турмуш қураман, модаларга амал қиламан, дейди. Ҳа, ҳа!.. Бошингга чепчик кийиб юр дейди, менга!.. Топган гапини қара энди!.. Қариган чоғимда бировни ясаниб-тусаниб йўлдан урармидим! Туфей! Нима қиларимни билмай қолдим! Ҳа! Илгари ичкиликни оғзига олмасди... рост... сра ичмасди... Энди бўлса, Африкан Савич блан бирга ичишади! Ичкиликдан (*бошини кўрсади*) мяси айниб қолганми, дейман.

Жимлик.

Назаримда, шайтон йўлдан оздирганга ўхшайди! Одам деган ақл-ҳушини ҳам йўқотадими!.. Ёш бўлса ҳам майли эди: ёшликда ясангинг ҳам келади, ҳар нарсага ҳавас ҳам қиласан; ахир ёшинг олтмишга етиб қоптику! Ҳа, ёши олтмишга яқинлашди, чироғим! Рост! Мода — янги чиққан расмларинг ҳар куни ўзгариб туради, аммо бизнинг рус одатларимиз қандай бўлса, шундайлигича қолади, дейман унга! Ота-боболаримиз биздан ақлироқ ўтган, дейман. Баджаҳл бўлганидан кейин унга бир гап айтиб бўладими, чироғим!

Митя. Нимасини айтасиз! Жуда қаттиққўл одам. Пелагея Егоровна. Любочкамизнинг бўйи етиб қолди, эрга берайлик десам унинг тенги йўқ... деб

инглиз блан ичингани ичишган. Фабрикасининг директоринглиз бўлганидан кейин бирга ичишади-да... ҳа! Бизники уларнинг тенги эмас. Айтганинг бўлармиди! Фурури оламини босади. Бу ерда менга улфатчилик қилишга арзийдиган одам йўқ, бу ердагиларнинг бари аблах, мужик, мужикдан фарқи йўқ, дейди; у бўлса москвали, бутун умрини Москвада ўтказди... ўзи ҳам давлатманд, дейди. Уни нима жин урди? Бирдан шунақа ўзгариб қолди-да, бирдан-а, дўстим! Илгари эси-ҳуши жойида эди. Жудаям, айтгандай тўла-тўкис яшамасак ҳам, бинойидек турардик, бошқаларнинг ҳаваси келарди. Бултур сафарга бориб, бировдан юқтириб келди-да. Рост, юқтириб келган, менга айтишди... ҳамма қилиқларини ўшақдан юқтириб келган. Энди бизнинг бутун рус одатларимиз унга ёқмасэмиш; ҳозирги замончасига турмуш қураман, модаларга амал қиламан, дейди. Ҳа, ҳа!.. Бошингга чепчик кийиб юр дейди, менга!.. Топгангапини қара энди!.. Қариган чоғимда бировни ясаниб-тусаниб йўлдан урармидим! Туфей! Нима қиларимни билмай қолдим! Ҳа! Илгари ичкиликни оғзига олмасди... рост... сра ичмасди... Энди бўлса, Африкан Савич блан бирга ичишади! Ичкиликдан (*бошини кўрсатади*) мияси айниб қолганми, дейман.

Жимлик.

Назаримда, шайтон йўлдан оздирганга ухшайди! Одам деган ақл-ҳушини ҳам йўқотадими!.. Ёш бўлса ҳам майли эди: ёшликда ясангинг ҳам келади, ҳар нарсага ҳавас ҳам қиласан; ахир ёшинг олтмишга етиб қоптику! Ҳа, ёши олтмишга яқинлашди, чироғим! Рост! Мода — янги чиққан расмларинг ҳар куни ўзгариб туради, аммо бизнинг рус одатларимиз қандай бўлса, шундайлигича қолади, дейман унга! Ота-боболаримиз биздан ақллироқ ўтган, дейман. Баджаҳл бўлганидан кейин унга бир гап айтиб бўладими, чироғим!

Митя. Нимасини айтасиз! Жуда қаттиққўл одам.

Пелагея Егорова. Любочкамизнинг бўйи етиб қолди, эрга берайлик десам унинг тенги йўқ... деб

туриб олади... тенги йўқ дейди, вассалом... Нега тенги йўқ экан, бор! Унга қолса, йўқ бўлади... Бу гаплар онанинг кўнглига қандай ботаркин демайди!

Митя. Балки Гордей Карпич Любовь Гордеевна-ни Москвага узатмоқчидирлар.

Пелагея Егоровна. Унинг кўнглидагини ким билади, қовоғидан қор ёғади, гинг демайди, ҳа мен она бўламан қизимга... рост-де... бир оғиз гап айт-толмайман-а; юрагим сиқилганидан, бегона одамларга дардимни айтиб йиғлайман, кўнглимни ёзаман... (Ту-ради.) Чиққин-а, Митя.

Митя. Хўп чиқаман.

Г у с л и н киради.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Ўшалар ва Гуслин.

Пелагея Егоровна. Мана бу йигитча ҳам бор! Болохонага чиққин-а, Яшенька, қизлар блан ашула айтишиб ўтирасизлар, сен бунақа ишларга устасан, гитарангни ҳам олиб чиқ.

Гуслин. Хўп бўлади, бизга бунақанги иш чўт эмас, қайтангга, ўзимизга маза.

Пелагея Егоровна. Хўп, хайр, яхши қолинг-лар.

Гуслин ва Митя. Хайр.

Пелагея Егоровна чиқиб кетади; Митя ҳамгин бир ҳо-латда стол ёнига келиб ўтиради. Гуслин кроватъга ўтириб, кўлига гитара олади.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Митя блан Яша Гуслин.

Гуслин. Сайргоҳдаги одамнинг кўплигини айт-майсанми!.. Хўжайинларингиз ҳам ўша ерда эди. Сен нега бормадинг?

Митя. Нима қилай, Яша, жуда юрагим сиқилиб кетди.

Гуслин. Нега сиқилади? Нимага қайғирасан?

туриб олади... тенги йўқ дейди, вассалом... Нега тенги йўқ экан, бор! Унга қолса, йўқ бўлади... Бу гаплар онанинг кўнглига қандай ботаркин демайди!

Митя. Балки Гордей Карпич Любовь Гордеевна-ни Москвага узатмоқчидирлар.

Пелагея Егоровна. Унинг кўнглидагини ким билади, қовоғидан қор ёғади, гинг демайди, ҳа мен она бўламан қизимга... рост-де... бир оғиз гап айт-толмайман-а; юрагим сиқилганидан, бегона одамларга дардимни айтиб йиғлайман, кўнглимни ёзаман... (Туради.) Чиққин-а, Митя.

Митя. Хўп чиқаман.

Гуслин киради.

Тўртинчи кўриниш

Ўшалар ва Гуслин.

Пелагея Егоровна. Мана бу йигитча ҳам бор! Болохонага чиққин-а, Яшенька, қизлар блан ашула айтишиб ўтирасизлар, сен бунақа ишларга устасан, гитарангни ҳам олиб чиқ.

Гуслин. Хўп бўлади, бизга бунақанги иш чўт эмас, қайтангга, ўзимизга маза.

Пелагея Егоровна. Хўп, хайр, яхши қолинглар.

Гуслин ва Митя. Хайр.

Пелагея Егоровна чиқиб кетади; Митя ғамгин бир ҳолатда стол ёнига келиб ўтиради. Гуслин кроватъга ўтириб, қўлига гитара олади.

Бешинчи кўриниш

Митя блан Яша Гуслин.

Гуслин. Сайргоҳдаги одамнинг кўплигини айтмайсанми!.. Хўжайивларингиз ҳам ўша ерда эди. Сен нега бормадинг?

Митя. Нима қилай, Яша, жуда юрагим сиқилиб кетди.

Гуслин. Нега сиқилади? Нимага қайғирасан?

Митя. Нега қайғирмай? Бирдан миямга қандай шўрпешона одам эканман? деган фикр келиб қолади. Онам кексайиб қолган бўлса, кексайган чоғида умрини бечораликда ўтказса, уни боқиш керак, хўш, нима блан боқаман? Жиндаккина мояна олсам, худди айб менда бўлгандай, Гордей Карпичдан туртки блан сўкишдан бўлак ҳечнарсa кўрмасам, нуқул оёқялангсан, фақирсан, бечорасан дегани деган; моянани эса оширай демайди. Бошқа бирон жойга кириб кетай десанг, таниш-билишинг бўлмаса, иш топиш қийин. Ростини айтсам, бошқа ерга ўзим ҳам бормайман.

Гуслин. Нега бормайсан? Ана, Разлюляевлар — хонадони яхши, ўзлари ҳам бадавлат ва меҳрибон одамлар.

Митя. Йўқ, Яша, тўғри келмайди! Гордей Карпичдан ёмонлик кўрсам кўрай, қашшоқ бўлсам бўлайки, у ерга бормайман. Тақдирим шу экан!

Гуслин. Ҳа, нега шунақа?

Митя (*туради*). Шундоғ-де, сабаби бор. Динимда яна бир дардим бор. Яша, аммо у дардимни ҳечким билмайди. Ҳечкимга айтган эмасман.

Гуслин. Менга айтақол.

Митя (*қўл силтаб*). Нима кераги бори!

Гуслин. Ҳа айтақолсангчи, мунча!

Митя. Айтсам ҳам, айтмасам ҳам фойдаси йўқ!

Гуслин. Қайқдан билсан, билки, бўлиб қолар?

Митя (*Гуслининг ёнига келади*). Дардимга ҳечким дармон бўлполмайди. Тимом бўлдим! Любовь Гордеевнани жудд яхши куриб қолдим.

Гуслин. Шуге? Қандай қилиб?

Митя. Қандай қилиб бўларди, яхши кўриб қолдим дедим-ку, яхши кўрдим-да.

Гуслин. Яхшиси, бу нарсани эсингда чиқар, Митя. Минг қилсанг ҳам сенга тегмайди, анойи эмас.

Митя. Буним-ку ўзим ҳам биламан-а, аммо юракка нима дейсан! „Дўстга ошиқ бўлиш мумкин, аммо уни унутиш мумкин эмас!..“ (*Қўллариини силкитиб гапиради.*) „Бир гўзални севиб қолдим, бошқа ҳечнарсa кўзимга кўринмайди!.. Бахил кишилар йўл қўймаслар, ташла дерлар, қўй дерлар!“

Гуслин. Тўғри, ташлаганинг ма'қул. Мана, мисалан, Анна Ивановнани олайлик: менинг тешигим, унинг ҳам бир чақалик бисоти йўқ, менда ҳам ҳеч вақо йўқ, шундай бўлишига қарамасдан, уйланай десам тоғам йўл қўймайди. Сенга йўл бўлсин! Ҳадеб ўйлайверсанг, кейин ўзинг яна баттарроқ қийналасан.

Митя(ўқийди).

Бу жаҳонда недир бешафқат?
Бешафқатдир ишқ-муҳаббат!

(Уй ичида айланиб юради.) Яша, Кольцов¹ни ўқиганмисан? (Тўхтайди.)

Гуслин. Ўқиганман, нима қилди?

Митя. Менинг ҳисларимни, жула боплаб ёзган-да!

Гуслин. Ҳа, айнан ўзини ёзган.

Митя. Айнанлиги ҳам гапми. (Уй ичида айланиб юради.) Яша!

Гуслин. Нима дейсан?

Митя. Мен қўшиқ тўқидим.

Гуслин. Сен-а?

Митя. Ҳа.

Гуслин. Қани, куйга солиб кўрайликчи.

Митя. Бўпти. Ма. (Гуслинга қоғоз узатади.) Мен пича ўтириб ишлай: бирдан Гордей Карпич сўраб қолса... (Ўтириб ёзабошлайди.)

Гуслин гитара олиб, куйга солабошлайди; Разлюляев гармонь кўтариб киради.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Ўшалар ва Разлюляев

Разлюляев. Салом, оғайнилар! (Гармонь чалиб, уйинга тушади.)

Гуслин. Вой аҳмоғей! Гармонь олиб нима қилардинг?

Разлюляев. Нима қилардим, чалиб юрман, Мана... (Чалади.)

¹ Кольцов А. В. (1809—1842) — машҳур рус шоири.

Гуслин. Шу ҳам музика бўптию... расво музика!
қўй, дейман сенга.

Разлюляев. Қийин эканми!.. Қўйсам қўявераман... Нимасидан қўрқаман! Пулимиз йўқ дейсанми?
(*Ўнtagини уриб кўрсатади.*) Жаранглашини эшит-
дингми! Айш қилсак — қилаверамиз! (*Гармонини қўяди.*)

Битта тоғ баланд,
Бошқаси пастроқ;
Бир ёрим яқин,
Бошқаси йироқ.

Митя, (*Митянинг елкасига бир уради*). Ҳа, Митя! Нима қилиб ўтирибсан?

Митя. Ишим бор. (*Ишини давом этдиради.*)

Разлюляев. Митя, ҳай Митя, мен айшимни қилиб юрибман, оғайни... худо ҳақи, айш қилиб юрибман... Рост! Нима, пулимиз йўқ дейсанми? Мана, пул... Мен сра маст эмасман... Узим, шундай айш қилиб юрибман... вақтим чоғ...

Митя. Айш қилсанг қилавер.

Разлюляев. Ҳайитдан кейин уйланмоқчиман! Ростдан уйланмоқчиман! Бадавлат қизча уйланаман.

Гуслин (*Митяга қараб*). Мана, бир эшит, яхши чиқинтимикми?

Разлюляев. Қани, айг, мен бир эингай.

Гуслин (*айтади*).

Берақм одам парса йўқ
Кўим с... қисматини.
Бу му... оғирроқ
Ўтқун... оратган
Ҳамма... учун байрам,
Бўим... лари алам!
Оғирдан аш... боши
Ўққилик нимага ҳам,
Ўзалик оғунтирмас
Ўшлик қуонтирмайди;
Бошии жонон қиз эмас
Қайғи-ҳасрат силайди.

Ашула давомида Разлюляев тошдай қотиб, ашулани мароқ блан тинглаб туради; ашула тугагандан кейин ҳамма индамай ўтиради.

Разлюляев. Яхши, жуда яхши! Юракни эзиб юбораёзди... Юракка чўғдай ёпишади. (*Хўрсинади.*) Эҳ, Яша! Қани, шўхроғидан чал, ке, юракни эзма, бугун ҳайит-ку, ахир. (*Ашула айтади.*)

Эҳ, гусарни севмаслик —
Ярамас иш бу!

Қани, жўр бўлсангчи, Яша.

Гуслин гитара чалиб жўр бўлади.

Митя. Жинниликларингчи қўйсаларингчи. Ундан кўра, ҳаммамиз бир бўлиб ҳиргойи қилайлик.

Разлюляев. Бўнти!

Ўтирадилар.

Гуслин (*ашула бошлайди; Митя блан Разлюляев унга жўр бўладилар*).

Сиз барнолар, ёш ўғлонлар,
Дўстларим, ўртоқларим...

Гордей Карпич киради; ҳамма жим бўлиб, ўрнидан туради.

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Ўшалар ва Гордей Карпич.

Гордей Карпич. Ашула айтиш нимаси! Мужикка ўхшаб, бақришадия! (*Митяга.*) Сен ҳам қўшилаясанми! Мужиклар уйида турмасанг керак! Бу ер қовоқхонами! Бундан буён кўрмай! (*Стол ёнига келиб, қоғозларни кўздан кечиради.*) Нега қоғозларни чочиб ташладинг!..

Митя. Счётларни текшириб ўтирувдим.

Гордей Карпич. (*Кольцов ше'рлари китоби ва ше'р ёзилган дафтарни олади*). Бу қанақа тен-таклик тағин?

Митя. Зериккан вақтларимда, ҳайит кунлари Кольцов жанобларининг ше'рларини кўчириб ўтираман.

Гордей Карпич. Бошимиз калу, кўнглимиз нозик-да, а!

Разлюляев. Майли, ўлсак ўлиб кетарми.
Гордей Карпич (*жаҳл блан*). Нима дединг!
Разлюляев. Майли, дедим.

Гордей Карпич. Нодон, гапингни ҳам тўғри
гапиролмайсан-а! Сенларга гап уқдириш эшакнинг
қулоғига танбур чертиш блан барабар. (*Чиқиб ке-
тади.*)

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Қолганларнинг ўзи.

Разлюляев. Важоҳатингдан ўргулай! Қутури-
шини қара! Хаёлида қўрқитмоқчи бўлдию... Қўрқи-
тиб бўпсан!

Митя (*Гуслинга қараб*). Мана, менинг турму-
шим шунақа! Пешонаминг шўрлигини кўрдингми!

Разлюляев. Бундай кун кўраверсанг ичкиликка
ҳам берилиб кетасан! Ке, қўй, ўйлайверма. (*Ашула
айтабошлайди.*)

Битта тоғ баланд.
Бошқаси пастроқ;
Бир ёрим яқин,
Бошқаси йироқ.

Любовь Гордеевна, Анна Ивановна, Маша ва
Лизалар кирадилар.

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Илгаригилар, Любовь Гордеевна, Анна
Ивановна, Маша ва Лиза.

Анна Ивановна. Салом, яхши йигитлар!

Разлюляев. Хуш келибсизлар.

Митя. Салом! Хуш келибсизлар!.. Қандай шамол
учирди?

Анна Ивановна. Ҳечқанақа шамол учиргани
йўқ, ўзимиз келмоқчи эдик, келдик. Гордей Карпич
жўнади, Пелагея Егоровна дамини олиб ётипти,
инон-ихтиёримиз ўзимизда... Ўйнаймиз, куламиз!..

Митя. Марҳамат, ўтиринглар.

Ўтирашлар Митя Любовь Гордеевнанинг рўпарасига
ўтиради; Разлюляев уй ичида айланиб юради.

Анна Ивановна. Индамай ўтира-ўтира чарча-
дик, ёнгоқ чақиш ҳам жонга тегди; қизларга юринг-
лар, йигитларнинг ёнига тушамиз дедим, қизлар жон
деб рози бўлишди.

Любовь Гордеевна. Нима деб вайсаяпсан?
Бу ерга тушиш хаёлимизга ҳам келгани йўқ эди,
ўзинг айтдинг-да.

Анна Ивановна. Ҳеч-да! Олдин ўзинг бошла-
динг... Камширнинг дарди гўзада дегани рост-да:
йигитлар қизларни ўйлайди, қизлар йигитларни.

Разлюляев. Ҳа, ҳа, ҳа!.. Ҳақ гапни айтдингиз,
Анна Ивановна.

Любовь Гордеевна. Ҳечбирда!

Миша. (Лизага қараб.) Вой, қандай шарманда-
лик!

Лиза. Бутунлай аксини гапираяпсиз, Анна Ива-
новна.

Анна Ивановна. Вой, уялмай қетинглар! Бир
ган айтардимۇ, йигитлар бор-да... Ўзим ҳам қиз
бўлганим, билганим.

Любовь Гордеевна. Қиздан қизнинг фарқи
бор.

Миша. Вой, қандай шармандалик!

Лиза. Нималар дейяпсиз ўзингиз, жуда қизиқ
гапларни гапирасиз а, одамни шарманда қилдингиз-ку.

Разлюляев. Ҳа, ҳа, ҳа!..

Анна Ивановна. Ҳозиргина болохопада нима-
ларни гапириб ўтирган эдинглар? Айтайми?.. Айтай-
ми, йўқми? Ҳа, индамай қолдинглар!

Разлюляев. Ҳа, ҳа, ҳа!..

Анна Ивановна. Сен нега тиржаясан? Ахир,
сенинг тўғрингга гапираётганим йўқ-ку.

Разлюляев. Менинг тўғримда бўлмаса, эҳти-
мол, биз тўғримизда ўйлайдиган ҳам топилиб қолар.
Биз ҳам биладиганимизни биламиз! (Ўйинга туша-
ди.)

Эҳ гусарни севмаслик!
Ярамас иш бу!

Анна Ивановна (Гуслининг ёнига келади).
Ҳа, бандурист, мени қачон оласан?

Гуслин (гитара чалиб). Гордей Карпич ижозат берганида. Шошиб ҳам нима қилдик, шошмасак ҳам бўлади. (Бош тебратади.) Бери келчи, Анна Ивановна, сенга айтадиган гапим бор.

Анна Ивановна унинг ёнига бориб ўтиради; Гуслин Любовь Гордеевна билан Митяни имлаб кўрсатиб уни қулоғига бир нималар деб шивирлайди.

Анна Ивановна Йўгей?.. Наҳотки!

Гуслин. Ҳа, шундай.

Анна Ивановна. Хўш, майли, дамнингни чиқарма. (Шивирлаб гапирди.)

Любовь Гордеевна. Бугун кечқурун ёнимг чиқасанми, Митя?

Митя. Чиқаман.

Разлюляев. Мен ҳам чиқаман. Жуда ўйин тушишга ишқивозман. (Олифта бўлиб туради.) Ҳай, қизлар, битта-яримтанг мени яхши кўрсангларчи.

Маша. Шундай гапни гапиришга уялмайсизми?

Разлюляев. Гапирсам нима қипти! Мени яхши кўринглар дедим... содда одам бўлганим учун.

Лиза. Қизларга бундай деб бўлмайди. Қизларнинг ўзи сизни севишларини кутишингиз керак эди.

Разлюляев. Қизларнинг ўзига қолса, ўлса ҳам севмас! (Ўйинга тушади.)

Эҳ, гусарни севмаслик!

Любовь Гордеевна (Митяга ялт этиб қараб.) Балки, биров бировни севиб юргандир, аммо буни ўлса ҳам айтмайди: йигит ўзи фаҳмлаб олиши керак-да.

Лиза. Дун'ёда ҳечбир қиз мен сени севаман деб айтмайди!

Маша. Албатта, айтмайди-да.

Анна Ивановна (уларнинг ёнига келиб, гоҳ Любовь Гордеевнага, гоҳ Митяга қараб, ашула айтабошлайди).

Ким кимни севганлиги
Аниқланди муқаррар.
Ма'шуқа қаршисида
Ошиқ оғир хўрсинар.

Митя. Буни кимга текизиб айтдингиз?

Анна Ивановна. Кимга текизиб айтганимизни
аимиз биламиз.

Разлюляев. Ҳай, қизлар, шошманглар, мен
сизларга бир ашула айтиб бераман.

Анна Ивановна. Қани, айт, айт!

Разлюляев (*ашулани чўзиб айтади.*)

Кўкда айиқ этарди парвоз.

Анна Ивановна. Бундан баттарроғини билмай-
санми?

Лиза. Бизни мазах қилаяпти, шекилли.

Разлюляев. Буниси ёқмаса, бошқасини айтай.
Мен хушчақчақ одамман. (*Ашула айтади.*)

Ҳай, қаттиқ ур тахтани,
Хотирла Москвани!
Москва уйланмоқчи
Коломнани олмоқчи.
Тўла хахолаб кулиб,
Дейди: „мен бўлмайман сеп!“
Тўрт тийин қорабуғдой,
Қирқ тийин турар ёрма,
Ярим танга тариқвой,
Тўққиз тийиндир арпа.

(*қизларга қараб*)

Арзон бўларди сули,
Қиммат-да кира пули.

Кўрдингизми, ҳавонинг қанақалигин!

Манша. Бунинг бизга дахли йўқ экан.

Лиза. Биз аллоҳлик қилмаймиз.

Анна Ивановна. Мунча хиралик қиласан! Ун-
дан кўра, манша бу жумбоқни ечсангчи: думдумалоқ,
қиз эмас, думи бор, сичқон эмас, топинг!

Разлюляев. Оббо, жуда қийин-ку.

Анна Ивановна. Қийинини топиб айтамиз-да!..
Ўйлаб топ! Қани, қизлар, кетдик.

Қизлар ўринларидан туриб, кетмоқчи бўладилар.

Юринглар, йигитлар.

Гуслин блан Разлюляев ҳам отланадилар.

Митя. Мен кейинроқ чиқаман. Бу ерни саран жомлаб олай.

Анна Ивановна (*бошқаларнинг отланиб булишини кутиб*).

Кеча оқшомда қизлар,
Кеча оқшом гўзаллар,
Кеча оқшомда қизлар пиво қайнатардилар.
Келди қизлар ёнига,
У гўзаллар ёнига,
Келди қизлар ёнига чақирилмаган меҳмон.

(Анна Ивановна ҳаммани эшикдан чиқариб, Любовь Гордеевнани тутиб қолади-да, эшикни беркитади.)

ЎНИНЧИ КЎРИНИШ

Митя блан Любовь Гордеевна.

Любовь Гордеевна (*эшик ёнида туриб*).
Қўйинглар, жиннилик қилманглар.

Эшик орқасидан қизларнинг кулгиси эшитилади.

Қамаб қўйишдию!.. Вой, жинниларей! (*Эшик ёнидан силжийди.*) Бу нима жиннилик!..

Митя (*унга стул тутиб*). Ўтиринг, Любовь Гордеевна, бирпас суҳбатлашайлик. Сизнинг буерга келишингизни кўриб жуда қувониб кетдим.

Любовь Гордеевна (*ўтириб*). Нимага қувонасиз, ҳайронман.

Митя. Нега қувонмай! Сизга қилган хизматимдан ҳам ортиқ илтифот кўрсатишингиз мени суюнтиради. Мана, тагин бир марта бахтиёр бўлдим...

Любовь Гордеевна. Нима бўпти! Келдим, бирпас ўтирдим, кетдим, бунинг унча аҳамияти ҳам йўқ. Ҳозир ҳам туриб кетишим мумкин.

Митя. Йўқ, йўқ, кетманг, зинҳор! Кетиб нима қиласиз! (*Чўнтагидан қоғоз олади.*) Рухсат этсангиз, мен сизга ўз меҳнатимни тақдим этай... қўлимдан келганча, чин қалбимдан ёзганман.

Любовь Гордеевна. Бу нима ўзи?

Митя. Сизга атаб ше'р тўқиган эдим.

Любовь Гордеевна (*севинчини яширмоқчи бўлади*). Яна биронта бема'ни гап бўлмасин... балки ўқишга ҳам арзимас.

Митя. Бунисини айтолмайман, негаки, ўқимаган бўлсам ҳам, ўзим тўқиганман.

Любовь Гордеевна. Ўқиб берчи!

Митя. Ҳозир. (*Стол ёнига ўтириб, қоғозни олади.*)

Любовь Гордеевна унинг пинжига келиб туради.

Гул эмас, кўкат эмас далала бўлган хазон,
Сўлиб хазон бўлмоқда соф кўнгилли ёш ўғлон.
Манглайи шўрлик қилиб, гўзалга бўлди шайдо,
Ўз бошига келтирди туганмас жабру-жафо.
Давлатманд гўзал қизга қўйиш блан муҳаббат,
Ўз жонига беҳуда сотиб олди фалокат.
Гўё зулмат кечада чиқмаганидек қуёш,
У қиз бу йигит блан бир ёстиққа қўймас бош.

Любовь Гордеевна (*бирмунча вақт хаёлга толиб ўтиради*). Қани, бўёққа бер. (*Қоғозни олиб яширади, кейин уридан туради.*) Жавобини хатда айтаман.

Митя. Ўзингиз-а?

Любовь Гордеевна. Аммо, ше'р тўқишни билмайман, шундай ёзаман.

Митя. Бундай илтифотингизни катта бахт деб ҳисоблайман. (*Қоғоз блан перо узатади.*) Марҳамат, олинг.

Любовь Гордеевна. Афсуски, хатим хунук. (*Ёзади; Митя қарамоқчи бўлади.*) Қарама, қарасанг ёзмайман, йиртиб ташлайман.

Митя. Қарамайман. Аммо, илтифотингизга жавобан яна қўлимдан келганича сизга атаб ше'р ёзишимга ижозат этасиз.

Любовь Гордеевна (*ручкани столга қўйиб*).
Ёзсанг, ёз... Қайтанга қўлимни сиёҳ қилдим, бил-
ганимда, ёзмас эдим.

Митя. Беринг.

Любовь Гордеевна. Ма. Аммо, ҳозир эмас,
мен кетганимдан кейин ўқийсан. (*Қоғозни буклаб,
Митяга беради; Митя қоғозни чўнтагига берки-
тади.*)

Митя. Худди айтганингиздай қиламан.

Любовь Гордеевна (*ўрнидан туради*). Бо-
лохонага чиқасанми?

Митя. Чиқаман... ҳозир чиқаман.

Любовь Гордеевна. Яхши қол.

Митя. Кўришгунча, хайр.

Любовь Гордеевна эшик томон юради; эшикдан Любим
Карпич кириб келади.

ЎН БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Ўшалар ва Любим Карпич.

Любовь Гордеевна. Вой!

Любим Карпич (*Любовь Гордеевнани кўрса-
тиб*). Тўхта! Қямсан? Нима қилиб юрибсан? Қандай
иш блан юрибсан? Назорат қилинсин!

Любовь Гордеевна. Сизмисиз, амаки!

Любим Карпич. Мен, жиян! Ҳа, қўрқиб кет-
дингми? Қўрқма, боравер! Мен чақимчи эмасман,
ҳозир ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолади, кейин бе-
корчиликда текшириб кўраман.

Любовь Гордеевна. Яхши қолинглар! (*Чи-
қиб кетади.*)

ЎНИККИНЧИ КЎРИНИШ

Митя блан Любим Карпич.

Любим Карпич. Митя, савдогар укаси Любим
Карпич ўғли Торцовни қабул қил.

Митя. Марҳамат, хуш келибсиз.

Любим Карпич (*ўтиради*). Акам мени даргоҳидан ҳайдади! Мана, бу юпун пальтода кўчада кўпам юриб бўлмас экан!.. Совуқ... Чилланинг совуғи ба-ба-ба-ба!.. қўлим музлаб қолди, ба-ба-ба!

Митя. Исиниб олинг, Любим Карпич.

Любим Карпич. Ҳайингдан ҳайдаб чиқармайсанми, Митя? Ҳайдасанг, кўчада итдай совқотиб ўламан-а...

Митя. Кўчага ҳайдаб бўладими одамни, унақа деманг!..

Любим Карпич. Акам ҳайдаб қўйди-ку, ахир. Пулим борида мен ҳам иссиқ-иссиқ жойларда юрадим; энди пулим йўқ — ҳамма ҳайдайди. Пулим ҳам кўп эмас эди, ҳаммаси бўлиб икки франку, бирнеча сантим эди, холос! Шу ҳам пулми! Бу пулга иморат ҳам қурулмайсан!.. Қишлоқ ҳам сотиб ололмайсан!.. Пулни нима қилиш керак эди? Қаёққа сарф қилиш керак? Омонат қўйиш ҳам ярамайди! Шартта ичиб тугатдим, қўйдим. Баттар бўлсин!

Митя. Нега ичасиз, Любим Карпич? Ичкиликнинг касофатидан ўзингизни хор қилиб юрибсиз!

Любим Карпич. Негачасан дейсанми?.. Аҳмоқлигимдан. Рост, аҳмоқлигимдан. Сен нимадан деб ўйлардинг?

Митя. Ичинини ташлаб-қўйинг.

Любим Карпич. Ташлаб бўлмайди-да: шундай йўлга кириб қолганман.

Митя. Қанақа йўлга?

Любим Карпич. Биродар, мен гапирай сен қулоқ сол! Сен индамасдан тингла, доимо эсингда сақла. Отадан жуда ёш қолганман, мен сенга айтсам, отам ўлганда бўйим теракдай, йигирма ёшларга кирган бефаҳм йигит эдим. Ақл қаёқда эди дейсан, миям қовоқ эди. Акам блан бисотни тақсимлаб олдик: у бутун савдо-сотиқни олиб қолди-да, менга пул, билет ва ҳархил вексельларни тутқизди. Мол-мулкни қандай тақсимлади, суриштириб ўтирмадим, буни ўзи биладию, худо билади. Билетлардан пул ундирай деб, Москвага равона бўлдим. Бормай илож йўқ эди-да! У ёқ, бу ёқни кўриш керак эди, ўзингни ҳам кўрсатасан, пасту баландни билиб оласан, киши.

Иннайкейин, ўзим бинойи кўркамгина йигит эдим, аммо оламнинг борди-келдисини билмас, бегона уйларда ҳам бўлмаган эдим. Ҳаммасини кўриб, билиш керак эди! Аввало, олифта бўлиб кийиндим, биласан-ку бизни! Роса жиннилик қилдим! Турган гап, энг олдин трактирлардан бошладим... Шпилен зи полька, яна бир шиша муздакрогидан келтиринг... Бир маҳал қарасам, ёру-биродарлар, ошна-оғайниларим жуда кўпайиб кетишти! Театрларга бориб юрдим...

Митя. Театрда тамоша кўриш жуда мароқли бўлса керак, Любим Карпич.

Любим Карпич. Мен кўнинча трагедияларни тамоша қилардим: трагедияга жуда ишқивоз эдим, аммо ҳечқайсисини тузукроқ тамоша қилганим ҳам йўқ, кўрганларим эсимда ҳам йўқ, негаки, ҳаммаша маст бўлиб юрардим. (*Ўрнидан туради.*) „Прокон Ляпунов бўғзингга пичоқ қадаб турипти, ич!“ (*Ўтиради.*) Шундай қилиб, бор-йўқ пулимни совурдим; қолган пулимни ошнам Африкан Коршуновнинг сўзига инониб, унга омонат топширдим; ўзим ҳам у блан юрардим, айши-ишратни ҳам бирга қилардик, барча бузуқликларга бошларди, муттаҳамларнинг муттаҳами ҳам ўша, мени хонавайрон қилган ҳам ўша. Натижада, ҳамма нарсамдан айрилдим, ичай десам пулим йўқ, ичмай десам ичким келади. Нима қилай? Қаёққа бошимни урай, дардимни кимга айтай? Эгнимдаги кийимларимни; модага қараб тиктирган нарсаларимни қоғоз пулга сотиб юбордим, қоғоз пулни кумуш пулга, кумуш пулни сариқ чақага алиштирдим, бир маҳал қарасам — ҳечнарсам қолмапти!

Митя. Қандай кун кечирдингиз, Любим Карпич?

Любим Карпич. Қандай кун кечирдинг дейсанми? Менинг куним каллакесар татарнинг ҳам бошига тушмасин, жуда кенг жойда яшардим, тепам осмон, оёғим ости ер, тўрт томоним катта кўча. Одамлардан уяласан, улардан ўзингни олиб қочасан, аммо ташқарига чиқмай иложинг йўқ эди, чунки қорин оч. Кўчада кетаётганингда ҳамма сенга қарайди... Илгариги қилган жинниликларимни, чопқир извошларда юрганларимни ҳамма кўрган эди-да, энди бўлса кийим-бошим жулдур-жулдур, соқол-мўйловим

усиб кетган... Одамлар бошини чайқаб, юзини тескири ўгириб кетади. Уят, шармандалик! (Бошини қўли солиб ўтиради.) Битта яхши ҳунар бор, наф'и ҳам катта, уни ўғирлик дейилади. Аммо, у ҳунар менинг қўлимдан келмайди, негаки, бунга виждоним йўл қўймайди, унинг устига қўрқаман ҳам: ҳечким у ҳунарни яхши демайди.

Митя. Энг разил иш шу-да.

Любим Карпич. Одамлар, бошқа мамлакатларда бундай ҳунар эгасига бир талер¹дан тўлайди деб айтишади, бизда эса тупча-тузук одамлар гарданингга муштлаб ҳайдайди. Йўқ, оғайни, ўғирлик ёмон нарса! Бу қолиб кетган нарса, бутунлай барҳам бериш керак бунга... Аммо, қорнинг ўлардай оч юртанингдан кейин, бирон иш қилиш керакми, ахир! Кучи-куйларда масхарабозлик қилиб юрдим, эртақлар айтиб, лўттибозлик қилиб чақа йиғиб юрдим. Эрта сизардан то қора кечгача шаҳарда жунжикиб, одамларга куришмай деб бурчак-бурчакларда беркиниб юрдим, биронта савдогар кўришмасмикин деб интизор бўлардим. Биронтаси, айниқса бойроғи келиб қолса, дарров олдига чиқардим-да, масхарабозлик қилардим, биттаси бир мири, бошқаси ярим танга бериб кетарди. Тонганининг тамадди қиласан.

Митя. Шундан кўра, акашчишикига келақолмабсиз-да.

Любим Карпич. Бўлмасди-да, жуда ичкиликка берилиб кетгандим. Эҳ, Митя, бу йўлга киракўрма, кирдингми, қайтиб чиқишинг қийин. Гапимни бўлмай тур, кейин гапирасан. Буёғини тингла! Шаҳарда шамоллаб қолдим,— қаҳратон қиш эди, эғнимда мана шу пальтом, қўлларимни ҳўҳлаб иситаман, оёқларим совуқ қотгани учун сакрайман. Меҳрибон одамлар мени касалхонага элтиб ташлашди. Соғаябошладим, энди ўзимга келабошлаганимда, маст эмасдим-да, бирдан чўчиб кетдим, юрагимни даҳшат босди... қандай ҳаёт кечирдим? Нима балолар қилдим? Юрагим сиқилабошлади, шунақанги сиқилиб кетдики, ўлиб кетганим ҳам яхшироқдай туйиларди. Бутунлай ту-

¹ Талер — қадимги немис пули. Талер — уч маркага тенг.

залиб кетай, кейин ибодат қиламану, акамнинг ёнига
бораман, жуда бўлмаса уйига қоровул қилиб олса
ҳам майли, деб жазм қилиб қўйдим. Шундай ҳам
қилдим. Келиб, оёғига бош қўйдим!.. Отам ўрнига
ота бўл, дедим. Ҳаётим расво бўлиб ўтди, энди одам
бўлмасам бўлмайди, дедим. Акам мени қандай кутиб
олганидан ўзининг хабаринг бор! У ўз укасининг
бундақалигидан номус қилармиш. Сен мени қўллаб,
қўлтиқла, оёққа турғиз, сила-сийпа, мен ҳам одам
бўлиб кетай десам, йўқ, мен сени бошимга ураман-
ми, дейди. Меникига азиз меҳмонлар, бадавлат сав-
догарлар келиб-кетиб туради, уларнинг олдида мени
шарманда қиласан, дейди. Мен эс-ҳушли одамман,
ҳисларим блан бутунлай бошқа ота-онадан туғилишим
керак эди, дейди. Менинг майшатимни кўриб туриб-
санку! Менинг мужик боласи эканимни ким билади?
Шу шармандаликнинг ўзи ҳам менга етиб ортади,
сени бўйнимга бўйинтуруқ қилиб нима қиламан?
дейди. Шу гаплари блан кўнглимни чил-чил қилди!
Ҳа, майли, худога солдим, унинг мана бу суяги (*пе-
шонасини кўрсатади*) қаттиқ-да. У аҳмоққа илм-
ма'рифат керакмиш. Биз аҳмоқларга давлат зарарли,
давлатдан бузилиб кетамиз. Пулни эҳтиётлаб сарф-
лаш керак... (*Мудрайди.*) Митя, ўрнингда пича миз-
ғиб олай, жуда уйқум келаяпти.

Митя. Майли, ётақолинг, Любим Карпич.

Любим Карпич (*туради*). Митя, сен менга пул
берма... йўқ, бергину, аммо кўп берма, озгина бе-
риб тур. Мен пича ухлаб олай, кейин чиқиб исиниб
келаман, тушундингми!.. Бирозгина... кўп эмас! Шунча
жиннилик қилганим етар.

Митя (*ёнидан пул чиқариб*). Мана, керагича
олинг.

Любим Карпич. Ярим танга бўлса бўлади.
Ҳаммаси кумушку, менга кумуши керакмас. Иккита
бир пақирлик бўлса бўлгани. (*Митя беради.*) Бўпти,
жуда соз. Жуда шафқатли одамсан-да, Митя!
(*Ётади.*) Акам сенинг қадрингга етмайди. Ҳа майли,
шошмай турсин, бир ўчимни оламану. Аҳмоқнинг
қўлига тушган давлат—бало бўлади! Давлатни ақлли
одамнинг қўлига берсанг, ишни бошлайди! Москвада

юриб, кўп нарсани кўрдим... Катта тажриба ордирдим! Аҳмоқнинг қўлига пул беракўрма, ҳаддидан оғиб кетади... фу, фу, фу, трр! акамга ўхшаб, мана мен ҳайвонга ўхшаб... *(Ўйқу аралаш.)* Митя, мен кечаси сеникига келиб ётаман.

Митя. Келинг, келинг. Контора ҳозирча бўш... ҳайит куни...

Любим Карпич *(кўзи ўйқуга кетиб)*. Акамни бир расво қиламан. *(Ўхлаб қолади.)*

Митя *(эшик ёнига бориб, чўнтагидан қоғоз чиқаради)*. Қани, нима деб ёзипти? Очишга қўрқаман! Қўлларим титраяпти!... Ҳа, майли, нима бўлса булар, очиб ўқийчи. *(Хатни ўқийди.)* „Мен ҳам сени севаман. Любовь Торцова“. *(Икки қўли билан бошини ушлаганича, югуриб чиқиб кетади.)*

ИККИНЧИ ПАРДА

Торцов уйида меҳмонхона. Тўрда диван, диван олдида юмалоқ стол билан олти кресло, ҳар икки томонида учтадан; чап бурчакда эшик; деворларда биттадан ойна, ойналар тагида биттадан кичкина стол; икки томонда биттадан эшик, орқа томондаги бурчакда ҳам эшик бор. Саҳна қоронғи; чап томондаги эшикдан ёруғ тушиб туради.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Ёруғ тушиб турган эшикдан Любовь Гордеевна билан Анна Ивановна кирадилар.

Анна Ивановна. Нега лочинларимиз ҳалигача келишмайди?.. Тушиб айтиб чиқайми, а?

Любовь Гордеевна. Йўқ, кераги йўқ. Ҳа, майли, тушсанг тушиб чиқақол. (Уни қучоқлайди.) Бор, айтиб чиқ, Аннушка.

Анна Ивановна. Юрагингдан урганга ўхшайди-я?

Любовь Гордеевна. Оҳ Аннушка, билсанг, мен уни шу қадар севаманки!..

Анна Ивановна. Севсанг севгину, аммо эс-хушингни йўқотма, қизча. Ўзингга эҳтиёт бўлиб юр, гап-сўз бўлмасин. Олдин қандай йигит эканини яхшилаб текшир.

Любовь Гордеевна. Йигит-ку ёмон эмас... Уни жуда яхши кўриб қолганман, ўзи ювош йигит.

Анна Ивановна. Яхши йигит бўлса сев, ўзингга яхшироқ аён. Мен шунчаки айтдим-қўйдим-ди. Йигитлар қанча-қанча қизларни қон-қон йиғлатиб

кетганини кўрганим учун айтаман. Эс-ҳушдан айрилиб, бирон гуноҳ қилиб қўйиш қийин эмас.

Любовь Гордеевна. Биз хотинларнинг севганимиз қаерга ҳам борарди? Дала кўкатидай гап, гуллимасдан хазон бўлади.

Анна Ивановна. Шошмачи, қизча, биров келётганга ўхшайдими. У эмасмикин? Сен туратур, мен чиқиб қараб келай, балки кутганингдир... Очи-либ гаплашинглар. *(Чиқиб кетади.)*

Митя киради.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Любовь Гордеевна блях Митя.

Любовь Гордеевна. Ким у?

Митя. Мен, Митяман.

Любовь Гордеевна. Намунча хаялладинг?

Митя. Одамлар гапга тутиб қолишди. *(Яқин келди.)* Любовь Гордеевна, ёлғиз ўзингизмисиз?

Любовь Гордеевна. Ҳа, ёлғизман. Нима қилди?

Митя. Любовь Гордеевна, ёзган хатингизни қандай тушуниш керак, чинми ё ҳазиллашяпсизми?

Любовь Гордеевна индамайди.

Гапиринг, Любовь Гордеевна! Мен ҳозир шу қадар шубҳага тушиб қолдимки, тушунтириб беришга ожизман. Ўзингиздаги аҳволим ўзингизга маълум: ҳамма менга ҳўжайин. Гордей Карич бўлса мени назар-нисанд ҳам қилмайди; яккаю-ягона орзум — сиз эдингиз: агар сиз ҳам мени мазах қиладиган бўлсангиз, бу дунёда яшаганимдан яшамаганим яхшироқ. Ишонинг, юрагимдан чиқариб гапираяпман.

Любовь Гордеевна. Йўқ, Митенька, мен сенга ҳазил эмас, бор гапни ёздим. Сен мени севасанми?

Митя. Албатта, Любовь Гордеевна, мен кўнглимдаги бор гапни очиб айтишга ожизман: аммо шунга айтиб қўяйки, сийнамдаги тош эмас, юрак. Севгимга ҳамма нарса ҳам гувоҳлик беради.

Любовь Гордеевна. Сен Анна Ивановнани яхши кўрасан деб юрувдим.

Митя. Биласанми, Люба: гап битта — эртага тўп-на-тугри Гордей Карпичнинг олдига кирамиз-да, оёғи-га йиқиламиз. Гап шундай-шундай, бутун ихтиёр-сизда, аммо бир-биримизсиз туролмаймиз, деймиз. Модомики, бировни севдингми, мағруриятни ташла-шинг керак!

Любовь Гордеевна. Ғурур қаёқда дейсан, Митенька! Ғурур қоптими шу топда! Митенька, мен-дан хафа бўлма, Митенька, боя айтган гапларимга парво қилма, қизлар шунақа бўлишади, айб менда! Сен блан ҳазиллашини эмас, балки сен бечорани бағ-римга босиб эркалашим керак эди. (*Митянинг кўк-сига бош қўяди.*) Башарти, дадам бизнинг бахтимиз-га тўсқинлик қилса, унда нима қиламиз?

Митя. Олдиндан бирнима деб бўлмайди, худо-нинг буюргани бўлади. Сени-ку билмадим, аммо мен сенсиз яшаёлмайман.

Сукут.

Любовь Гордеевна. Биров келаяпти!.. Бор-види, жоним, секин чиқиб кет, мен кейинроқ чиқа-ман.

Митя секин чиқиб кетади; Арина шам кўтариб киради;
Любовь Гордеевна унинг олдига боради.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Арина, Любовь Гордеевна, сўнгра Егорушка.

Арина. Вой, сени қараю! Одамчи чўчитиб юбор-динг-а. Бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Ойнинг сени уёқда қидириб юрсаю, сен бу ерда ўтирсанг. Қорон-ғида юриш нимаси! Вой, менинг одобли, таби' нозик маликам.

Любовь Гордеевна чиқиб кетади.

Ростдан ҳам бирон киши блан бирга ўтирган бўлма-син тағин. (*Бурчакларни кўздан кечиради.*) Вой, жинни бўлмай ўлай, у тўғрида шундай гапларни ўй-лабман-а! (*Шамларни ёқди.*) Қариганимда шундай деб ўйлаш гуноҳ эмасми.

Егорушка киради.

Бор, Егорушка, қўшни қизларни айтиб чиқ. Пелагея Егоровна зиёфатга чақираяптилар дегин.

Егорушка. Вой! Шунақа дегин ҳали, Аринушка, онахоним! (*Уйинга тушади*).

Арина. Сен нега севинасан, тентак!

Егорушка. Шундай ўйин-кулги бўладию, севинмайдими! Ай, ай, ай!.. (*Сакрайди*.)

Арина. Қизиқчилар келиб қолнчса ҳам ажаб эмас; ёшлар қизиқчилик қилайлик дейишган эди.

Егорушка. Вой, ҳозир ўламан! Ҳозир ўлиб қоламан!

Арина. Сенга бир бало бўлдим, тирмизак?

Егорушка. Кулавериб ичагим узилиб ўламан; сал нарсага кулавераман-да, ахир, буви!

Арина. Ўзинг ҳам ясан.

Егорушка. Ясанаман, ясанаман! Вой, ўлдим, вой ўлдим!

Арина. Тезроқ чиқиб, қизларни айтиб келсангчи.

Егорушка. Кетдим! (*Чиқиб кетади*.)

Пелагея Егоровна киради,

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Арина блан Пелагея Егоровна.

Пелагея Егоровна. Аринушка, қизларга одам юбордингми?

Арина. Юбордим, онахоним, юбордим.

Пелагея Егоровна. Ҳа, дуруст. Қизларимиз блан бирга ашула айтишсин, Любушка блан меҳмонларни хурсанд қилиб ўтиришсин. Ёшлигида ўйнаб-кулиб қолсин-да қизалоғим... ҳа; қиз боланинг тақдири шу-да: ҳечқаерга чиқолмаса, оламда нима борлигидан беҳабар бўлса... Мана энди уларнинг ҳайити... майли, ўйнашсин, кулишсин!

Арина. Ҳа-а, онахоним, нимасини айтасиз! Майли, ўйнаб кулишсин!

Пелагея Егоровна. Мадера олиб кел, Аринушка, мадера олиб кел... Уни катталар олдига қўясан; ёшларга ширин кулча, конфет, ўзинг билангла-

ини... Ҳа, ўзинг биласан, ҳа, ўзинг билиб
Ма... жини унутма, Аринушка.

Аринушка. Биламан, онахоним, биламан. Ҳаммаси
оли бўлади. Ҳозир, онахоним, ҳозир.

Пелагея Егоровна. Йигитлар олдига закуска
қуй.

Аринушка. Ҳаммаси бўлади, онахоним, ҳаммаси бў-
лади. Хотиринг жам' бўлсин, меҳмонлар қошига чи-
қикюл, ўзим ҳамма ишни жону дилим блан қиламан.
(*Чиқиб кетади.*)

Пелагея Егоровна (*эшик ёнига бориб*). Ҳай
қизлар, йигитлар, буёққа келақолинглар, бу ер ҳам
кенгроқ, ҳамда ёруғроқ.

Любовь Гордеевна, Маша, Лиза, Анна Ивановна,
Разлюляев, Митя, Гуслин ҳамда 1-нчи ва 2-нчи меҳ-
мон аёллар кирадилар.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Пелагея Егоровна, Любовь Гордеевна, Маша,
Лиза, Анна Ивановна, Разлюляев, Митя, Гуслин
ва 1-нчи ҳамда 2-нчи кампир меҳмонлар.

Пелагея Егоровна (*кампирларга қараб*).
Биз манови ерда ўтирамыз. (*Диванга ўтиради, кам-
пирлар унинг ёнига келиб ўтиришади.*)

Анна Ивановна блан Гуслин стулга ўтириб, секин-секин
гапиришиб ўтирадилар; Митя уларнинг олдига келиб туради;
Маша, Любовь Гордеевна ва Лизалар залда қўл-
тиқлашиб юрадилар; уларнинг кетидан Разлюляев юради.

Улар ўйнашсин, кулишсин, тамоша қилиб ўтирамыз.

Лиза. Мен ойимларга: ҳатто гапиришни ҳам бил-
майди, ҳатто шунақа гапларни айтадики, одам уялиб
кетади, дедим.

Разлюляев. Тош биз томонга отилди дейман-а?

Лиза. Сиз тўғрингизда эмас; сизга алоқаси йўқ.
(*Гапида давом этади.*) Унинг нимасини яхши кў-
рай, ойижон, дедим... (*Шивирлаб гапирди.*)

Пелагея Егоровна. Мен, онахоним, эски
урф-одатларни яхши кўраман... ўзимизнинг русча
одатларни. Аммо, эрим буни ёқтирмайди; нима қилай,

табиатига тўғри келмагандан кейин. Мен ўзим яхши кўраман, мен ўйин-кулгини севама ... ҳа.. меҳмон кутишни, ашула айтдиришни ҳам... ҳа, от онам ҳам шунақа эди, бутун авлоди-аждоди^{миз}, аш лага ишқивоз одамлар эди.

1-нчи меҳмон. Қараб туриб, булар бизнинг ^{бизнинг} лигимиздаги сингари ўйин-кулги қилишолмайди де ман, Пелагея Егоровна.

2-нчи меҳмон. Йўқ, қилишолмайди, қилишол-майди.

Пелагея Егоровна. Ёшлигимда энг биринчи ашулачи ҳам, ўйинчи ҳам мен эдим, мендан ўтади-гани йўқ эди... Қанчадан-қанча қўшиқларни билар-дим! Энди унақа қўшиқларни айтишмайди.

1-нчи меҳмон. Йўқ, айтишмайди, ҳаммаси янги-ча бўлиб кетди.

2-нчи меҳмон. Рост, айланай, рост, ёшлигингиз ёсингизга тушиб кетаркан.

Пелагея Егоровна. Яшенька, эски қўшиқ-лардан биронтасини айтиб берсангчи.

Гуслин гитара олади.

Разлюляев (қизларга қараб). Бундан чиқди, бу умидлар ҳам беҳуда экан-да, а; сизлардан ҳеч гап чиқмайдиганга ўхшайди.

Лиза. Вой ўлай, қанақа гап чиқсин.

Маша. Гапингизга одамнинг кулгиси қизтайди.

Разлюляев. Сиз учун кулгилар, аммо мен нима қилай? Нега мени яхши кўрмайсизлар?

Любовь Гордеевна. Ўтирайлик.

Ўтирадилар.

Гуслин (ашула айтабошлайди).

Тезоқар сой орқасида
Тўрт хонадон бор;
Ана шу хонадонларда
Тўрт дўстим яшар.
Севиқли дугоналарим,
Ўртоқжонларим,
Дўстлашингиз севишингиз,
Севишгиз мени.

Чаманзорларга борсангиз —
Олингиз мени;
Раиғ-баранг гуллар терсангиз—
Теринг менга ҳам;
Чамбар ясангиз, ясаб —
Беринг менга ҳам;
Борсангиз сой соҳилига —
Мени оборинг.
Чамбаракларимиз сойга
Ташлаб юборинг.
Барча чамбарак оқмоқда
Чўкди чамбарим
Ҳамманинг ёри қайтмоқда
Қайтмас дилбарим.

Арина (*қўлида шишалар ва стаканлар блан киради, кетидан бир қиз закуска олиб киради*).
Мана, онахоним, олиб келдим.

Пелагея Егоровна (*қизга қараб*). Қизларга тутмайсанми.

Қиз ҳамма қизларга тутади-да, подпосни столга қўйиб, чиқиб кетади.

Арина, винони буёққа олиб кел. Қуй мадерадан, қуй... мадерадан... Уйин қизисин. Нима қипти, ичамиз, ичаверамиз. Гуноҳ бўлмайди — бизлар кампир, шунақа, ҳа... (*Ичадилар.*) Аннушка, кел, вино ич. Ичасанми?

Анна Ивановна. Ичаман, нега ичмай? Ёлғиз ичма, одам борида тўйиб ич, деган эканлар. (*Пелагея Егоровнанинг олдига келиб, ичади, секин-секин гапиришади.*)

Арина. Ҳой ўғлонлар, ҳа, сизлар нега бушашиб турибсизлар?

Митя. Мен ичмайман.

Разлюляев. Ичсак ичаверамиз! (*Гуслин блан бирга келиб ичади. кейин Аринани қучоқлаб.*) Қани, келинг, бир қадимги ашуладан олайлик! (*Ашула айтади.*)

Эҳ хотирлайин ёшлик лавримни
Гоҳо у ёримни, гоҳ бу ёримни...

Арина. Нарн тур, шўх бўлмай қолгур, суякларимни сиңдириб юбординг.

Разлюляев (ашула айтади).

Бүйинчаси Тарусла,
Жилови Калугада,
Таги темирли чана,
Ўзи чопар экан-а.

Қизлар кулишади.

Арина. Нарн турдейман!.. Тинч қўй мени! (Чиқиб кетади.)

Анна Ивановна. Камширни судрагандан кўра, мен блан туш.

Разлюляев. Қани, кел! Чал, Яша!

Яша чалади, улар ўйинга тушадилар.

1-нчи меҳмон. Жуда хушчақчақ жувон экан.
Пелагея Егоровна. Ҳа, хушчақчақ жувон.
Разлюляев (ер бепсиб). Мана бунақа тушадилар ўйинга! (Тўхтади.)

Егорушка (киради). Қизлар келишди.

Пелагея Егоровна. Чақир, чақир, киришсин.

Егорушка чиқиб кетади; қизлар киради; Арина лаган келтириб устини беркитиб қўяди.

Ўтиринглар, ўтирақолинглар, қани, бахт синайдиган қўшиқдан олинглар, мен шунақасини яхши кўраман.

Любовь Гордеевна, Маша, Лиза ва Анна Ивановналар қўлларидаги узукларини олиб лаганга қўядилар, қизлар ашула бошлайдилар.

Унни элагин, элак.

Сомса ёпинглар тезрак.

Баракалла!

Ўйинга келар меҳмон,

Менга келар қайлиқжон.

Баракалла!

Чориқли келар сенга,

Этикли келар менга.

Баракалла!

Кимга қўшиқ айтсалар —

Шу киши бахтли бўлар.

Баракалла!

Кимгаки узук чиқса —

Мақсадга етар ўша.

Баракалла!

Рақиблар снгларини шимариб, лагандан бир узукни олиб Любовь Гордеевнага беради.

Пелагея Егоровна. Қани, бўлинглар, бўлақолдинглар.

Қизлар (*ашула бошлайдилар*).

Қўнди чумчуқча

Беле-шаҳарга.

Баракалла!

Беле-шаҳарга,

Баланд деворга.

Баракалла!

У қарар ҳамон

Бегона томон.

Баракалла!

Кимгаки узук чиқса —

Мақсадга етар ўша.

Баракалла!

Арина (*киради*). Қизиқчилар келишди; киришсинми?

Пелагея Егоровна. Ҳа, киришсин, ўйнаб беришсин. Қизлар, ашулани кейин айтиб берасизлар.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Ўшалар ҳамда қизиқчилар: балалайка блан гитара кўтарган чол, айиқ блан эчки етаклаган она боши, қиём кўтарган Егорушка.

Чол (*та'зим қилади*). Улфатларга саломлар бўлсин.

Онабоши. Та'зим қил, айиқполвон.

Айиқ та'зим қилади.

Чол. Буюринг, нима қилайлик: ашула айтайликми, ўйин қилайликми, кулдирайликми, — ҳаммасидан бормиз.

Пелагея Егоровна. Майли, ўйинга тушиб бeringлар. Вино бер буларга, Арина.

Арина вино тутади; ба'зилари ичади.

Чол. Саҳоватингиз ва меҳрибонлигингиз учун раҳмат. (*Ашула айтабошлайди*.)

Бизнинг йигитларимиз
Фақир, аммо жасур!
Қўли-қўлга тегмай тез
Мовутни чаққон тўқир.
Мовутни мўл тўқишди —
Талай кафтан тикишди.
Бизга кафтан керакмас,
Ҳамёнда пул бўлса бас,
Ҳамёндаги сўм-тилла
Сра ухлатмас тунда,
Жаранглаб чақа пуллар —
Қовоқхонага ундар.
Майховачи Андрей;
Майхонашғни тез оче:
Янги кафтан бор фақат,
Қўяжакмиз омонат,
Олиб кетмаймиз ҳечвақт.

(Четга чиқиб туради.)

Егорушка *(қиём блан ўйинга тушади.)*

Оҳ, қиём, қиём
Лаззатли таом!
Қиш, қишжон, қишжон!
Совуқ қаҳратон
Даҳшатли бўрон
Шафқатсиз бўрон —
Супур йўлларин,
Йўл оч ёр сари.
Оҳ, қиём, қиём,
Лаззатли таом!

Бизнинг хотинча
Ўтирар якка
Беданадака!
Севишим шундан
Ва ҳурматим ҳас:
Мағрур юради.
Кайфин суради.

(Та'зим қилади.)

1-нчи меҳмон. Вой, жуда бало экансану, а!
Пелагея Егоровна. Ёш бола, билганича ўй-
найди-да, овсин. Ҳали у жуда ёш. Бери кел, Его-
рушка.

Егорушка кетади.

Ма, ширин кулча... *(Беради.)*

Егорушка та'зим қилиб, кетади.

Ҳл, ҳлн бола, ундан нимани ҳам умид қилиб бу-
лардн!

Онабoши айқни етаклаб юради, эчки ўйинга тушади.

Чол (*ашула айтади*).

Бизнинг такамиз
Ақлли, ювош:
Пиширарди ош-
Келтирарди сув —
Чолу кампирни
Боқар эди у.
Бир кун ўрмонга —
Кирганда у
Етти бўрига
Келди рўба-рў.
Улардан бири
Жуда оч эди.
Уч йилдан бери
Улоқ тополмай,
Ноилож эди.

Онабoши (*айиққа қараб*). Вино сўра, эчки хо-
тирасига ичаман де.

Айиқ та'зим қилади.

Пелагея Егоровна. Аринушка, қизиқчилар-
ни вино блан сийламайсанми!

Арина вино тутади; улар ичиб та'зим қиладилар.

Онабoши. Қани, айиқ полвон, мана бу хоним-
ларни бир кулдир. Гўзал қизлар, ойимча қизлар юз-
ларига упа-элликни қандай суртадилар, йигитларга
қандай қарайдилар, қайлиқни қандай танлайдилар!

Айиқ ҳархил қилиқлар қилади.

Қани, мункиллаб қолган кампир қандай эгилиб-бу-
килиб ишга боради.

Айиқ ҳархил қилиқлар қилади,

Қани энди хонимларга бир та'зим қил. (*Четга чиқиб
туради.*)

Чол гитара чалади, бошқа қизиқчилар ўйинга тушадилар; ҳамма уларни тамоша қилиб ўтиради; Гуслин блан Митя Любовь Гордеевнанинг ёнига келиб туради; Митя Любовь Гордеевнанинг кулоғига бир нималар деб ширлаб, ўпади, уларнинг ёнига Разлюляев келади.

Разлюляев. Ҳой, нима қилаяпсан?

Митя. Нима ишинг бор?

Разлюляев. Шошмай тур, Пелагея Егоровнага айтиб берай!

Митя. Финг деб кўрчи.

Гуслин (*унга ҳамла қилади*). Оғзингга қараб гапир! Шу ердан бирга чиқиб кетамизми, ахир? Билиб қўй. Ташқари қоронғи, кўча пасқам!

Разлюляев. Нега ёпишасанлар менга? Мен унга уйланмоқчиман, биз совчи юбормоқчимиз. Энди нима дейсан? Ҳа, уйланаман!

Митя. Кўрамиз.

Разлюляев. Қизини сенга берармишми? Чуварани хом санабсан!.. Бизда нима кўп, пул кўп!

Арина. Ҳай, нима шовқин!.. Бас қилинглари!.. Эшикни биров қоққандай бўлдимми...

Ҳамма кулоқ солади.

Ҳа, а, эшик тақиллади.

Пелагея Егоровна. Бор, чиқиб оч.

Арина (*чиқиб кетади, кейин яна қайтади*). Хўжайин келиб қолди!

Ҳамма ўрнидан туради.

ЕТТИНЧИ ҚЎРИНИШ

Ўшалар ҳамда Гордей Карпич блан Коршунов.

Гордей Карпич (*қизиқчиларга қараб*). Бу аблаҳлар ким?.. Йўқол ҳамманг! (*Хотинига қараб*.) Хотин! Пелагея Егоровна! Меҳмонни кут. (*Секин*.) Шарманда қилдинг-ку!

Пелагея Егоровна. Марҳамат, Африкан Савич, хуш келибсиз,

Коршунов. Салом, Пелагея Егоровна... Ҳе, ҳе, ҳе!.. Ие, уйингизда ўйин-кулгию! Айни вақтида келибмиз-да.

Пелагея Егоровна. Қизлар блан... Ұйин-кул-
ги қилиб утирувдик... Ҳамиша қизлар блан ман...
Ҳипитчилик... Қизимнинг кўнгли очилсин деб...

Гордей Карпич. Марҳамат, Африкан Савич,
у ўйингиздай кўраверасиз.

Африкан Савич стол ёнидаги креслога ўтиради.

(*Хотинига қараб.*) Ҳайда қизларни!

Коршунов. Нимага ҳайдайди! Қизларни ҳам
ҳайдайдимиз одам... Ҳе, ҳе, ҳе!.. Ашула айтишсин,
биз эшитиб, ҳусни-жамолларини тамоша қилиб ўтира-
миз, пул ҳам берамиз, ҳайдаш нимаси!

Гордей Карпич. Ихтиёринг, ихтиёринг, Аф-
рикан Савич! Сенинг олдинда уялиб қолмай дей-
ман-да! Буни кўриб, булар нодон экан деб ўйлама-
гин тагин — хотиннинг қилган иши-да. Ҳеч гап уқ-
дираолмадим, уқдираолмадим-да бунга. (*Хотинига
қараб.*) Неча марта сенга айтдимки, агар базм қур-
моқчи бўлсанг — музикачиларни чақир, ками кўсти
бўлмасин деб. Ҳамма айтганингни қиламан-ку,
ахир.

Пелагея Егоровна. Биз кампирларга... му-
зикачиларни ким қўйибди. Унақаларни сизларга чи-
қарган.

Гордей Карпич. Мана, кўрдингми, булар сра
турмушнинг борди-келдисини билмайди. Бу гапларни
эшитиб, кулгинг қистаб ўтиргандирсан.

Пелагея Егоровна. Ҳа деб билмайди, билмай-
ди, дейсан. Ундан кўра, меҳмонни кутсангчи. Қани,
Африкан Савич, биз кампирлар блан бирга вино
ичинг, келинг. (*Мадера қуюди.*)

Гордей Карпич (*зарда блан*). Ҳой хотин!
Жинни-пинни бўлдингми? Африкан Савич сенинг
мадерангни кўрмаптимиз? Айт, ярим дюжина шампан-
ское келтирсин... тезроқ бўл. Янги мебельлар блан
жиҳозланган меҳмонхонага шам ёқишсин, айт. Ана
бунинг йўриги бошқа.

Пелагея Егоровна. Ҳозир ҳаммасини ўзим
боплайман. (*Туради.*) Аринушка, қани юр. Айбга бу-
юрмайсизлар, ҳамсоялар.

1-чи меҳмон. Эй овсин, биз ҳам сен блан

бирга чиқиб кетамиз. Уй-уйимизга тарқалишсак ҳам бўлар энди.

2-нчи меҳмон. Ҳа, вақт бўлди! Кеча қоронғи, кўчаларда ёмон итлар бор.

1-нчи меҳмон. Рост айтасиз, ёмон итлар бор!..

Та'зим қилиб чиқиб кетадилар.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Гордей Карпич, Коршунов, Любовь Гордеевна, Анна Ивановна, Маша, Лиза, қизлар, Митя. Гус-
лин ва Разлюляев.

Коршунов. Қани, кел, қизлар ёнига ўтирамиз. Бундай ҳурилиққоларни қаердан топдинг?.. Хе! (Лю-
бовь Гордеевнанинг ёнига келади.) Саломатмисиз, гузалим Любовь Гордеевна:

Любовь Гордеевна унга та'зим қилади.

Тўпларингизга мени ҳам қўшинглар.

Любовь Гордеевна. Биз ҳечкимнинг кўкра-
гидан итармаймиз.

Анна Ивановна. Ўтиринг, меҳмонимиз бў-
линг.

Коршунов. Мен — кексани мунча совуқ кут-
масаларинг. Ҳозир ҳайит, ўпишсак ҳам айб бўлмас
дейман.

Анна Ивановна. Бу такаллуфларнинг нима
ҳожати бор!

Коршунов. Гордей Карпич, қизинг блан ўпиш-
сам майлими? Ростини айтсам... хе, хе... Шунақа
нарсаларга жуда ишқивозман-да. Ёмон кўрадиган
одам ҳам бормикин! Хе, хе!..

Гордей Карпич. Такаллуф қилиб ўтирма, мар-
ҳамат.

Коршунов. Қани, бир ўпишайлик, ойимқиз.

Любовь Гордеевна. Агар дадам қаршилик
қилмасалар... (Ўпишадилар.)

Коршунов. Ҳаммаларинг блан навбатма-навбат
ўпишаман энди.

Анна Ивановна. Мен блан бемалол ўпиши-
шини мумкин! Такаббур эмасман.

Маша. Вой ўлай, уят-а... уят!

Лиза. Шу ўпишишдан нима фойда бор.

Гордей Карпич (*Митянинг олдида келиб.*)
Сен бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Шу ер сен ўти-
радиган жойми? Нотавон кўнгилга қўтир жомашов!

Митя, Гуслин ва Разлюляевлар чиқиб кетадилар.

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Гордей Карпич, Коршунов, Любовь Гордеевна,
Анна Ивановна, Лиза, Маша ва қизлар.

Коршунов (*Любовь Гордеевнанинг ёнига ўти-
ради.*) Сиздан кўра мен сахийроқ эканман. Любовь
Гордеевна: мени ўпишни ҳам истамадингиз, мен
бўлсам сизга совға олиб келдим, хе, хе, хе.

Любовь Гордеевна. Бекорга овора бўлиб-
сиз.

Коршунов. Бриллиант олиб келдим, хе, хе...
(*Беради.*)

Любовь Гордеевна. Исиргаку! Ғоят миннат-
дорман.

Анна Ивановна. Қани, кўрсат-чи.

Маша. Жуда чиройлик экан!

Лиза. Жуда дид блан ишланган экан!

Коршунов. Қўлчангизни беринг. (*Любовь Гор-
деевнанинг қўлини ушлаб ўпади.*) Мен сизни жуда
яхши кўраман, хе, хе, хе, шу қадар яхши кўраман-
ки, асти қўяверасиз, сизчи, сиз мени яхши кўрма-
сангиз керак, а?

Любовь Гордеевна. Нега яхши кўрмай?

Коршунов. Нимага бўларди! Бошқа кишини
яхши кўрарсиз, ана шунинг учун-да. Сиз мени яхши
кўринг, мен яхши одамман, хушчақчақ одамман,
хе, хе, хе...

Любовь Гордеевна. Гапингизга тушунолмай
қолдим.

Коршунов. Мени яхши кўринг дейман. Нима
қилти, мен ҳали қариганимча йўқ... (*Унга қарайди.*)

Ё қариманми? Хе, хе, хе... Қари бўлсам нима қил-
ти, зарари йўқ. Бошингиздан олтин қуяман? Пулим
йўқ, бир фақири-бечора одамман... Атиги бир юз
беш минг пулим бор, холос... хе, хе, хе, кумуш
пул!.. (Унинг қўлидан ушлайди.)

Любовь Гордеевна (ўрнидан туриб). Пу-
лингизнинг менга кераги йўқ.

Гордей Карпич. Любовь, қаёққа кетаяпсан?

Любовь Гордеевна. Ойимларнинг олдига!

Гордей Карпич. Ўтир; ҳозир ўзи келади.

Любовь Гордеевна ўтиради.

Коршунов. Чол блан пича ўтирай ҳам демай-
сиз. Қани, қўлингизни беринг, ойимқиз, бир ўпай.

Любовь Гордеевна (қўлини беради). Вой,
худоей!

Коршунов. Қандай ажойиб қўллар-а! хе, хе,
хе... худди баҳмалнинг ўзия! (Унинг қўлини силай-
ди, кейин бриллиант узук тақиб қўяди.)

Любовь Гордеевна (қўлини чиқариб). Вой,
бу нимаси, керак эмас, керак эмас.

Коршунов. Майли, менга бу нарсалар чўт эмас,
давлатимга путур етмайди.

Любовь Гордеевна. Керакмас, ахир. Кимга
берсангиз, бераверинг? (Узукни қўлидан олиб қай-
тариб беради.)

Коршунов. Берган нарсани қайтариб олиш
йўқ... хе, хе, хе!

Пелагея Егоровна, унинг кетидан Арина ва вино блан
стакан кўтариб Егорушка кирадилар.

ЎНИНЧИ КЎРИНИШ

Ўшалар ва Пелагея Егоровна, Арина ҳамда Его-
рушка.

Гордей Карпич. Қани, ичайлик.

Коршунов. Хўш, қани, Гордей Карпич, меҳ-
мон қил ҳай қизлар, менинг ша'нимга ашула айтиш-
лар. Мен иззат-икромни яхши кўрадиган одамман.

Пелагея Егоровна. Айтақолинглар, қизлар.

Гордей Карпич (*шишани очиб, стаканга қу-
яди ва тутди*). Хотин, азиз меҳмонимиз Африкан
Савичга вино бер!

Пелагея Егоровна. Марҳамат, Африкан Са-
вич, ўтиниб сўраймиз. (*Коршунов стаканни олади.*)

Гордей Карпич (*стакан олиб*). Хотин, ич сен
ҳам.

Пелагея Егоровна. Бу винони ёмон кура-
ман... ҳа майли, бир стакан ичсам ичай.

Қизлар (*ашула бошлайдилар*).

Орамизда ким бўйдоқ
Ва кимнинг хотини йўқ?
Бўйдоғимиз Африкан,
Савичнинг хотини йўқ
У отига минади.
Остида от ўйноқлар,
Яқинлашар ўтлоққа,
Ўтлар ямяшил бўлиб
Айланади гулбоққа.

Коршунов (*Любовь Гордеевнанинг ёнига ўти-
риб*). Мана буниси жойида бўлди, мана бу менга
ёқади. Қани, биринг яқинроқ келчи. (*Бир қиз унинг
ёнига келади, Коршунов унинг юзидан чимчилаб
қўяди.*) Жуда кўзи ўткир қиз экансанку! Сендақа
қизларга оппоқ упу, қипқизил эликлар олиш учун
талай пул сарф бўлар дейман, а ҳе, ҳе, ҳе... пулим
йўқ, қарздорман... ҳе, ҳе, ҳе... Этагингни тут. (*Қиз-
нинг этагига бирталай майда пул ташлайди; қиз
таъзим қилиб, ўртоқларининг ёнига бориб тура-
ди.*) Хўш, қани, Гордей Карпич, нима иш блан кел-
ганимизни хотинингга айт.

Гордей Карпич. Хотин, мен сенга бу шаҳар-
да туриш жуда жонимга тегди, ҳар қадамда нодон-
лик, жаҳолат деб илгари ҳам айтардим. Шунинг
учун Москвага кўчсак дейман. У ерда ўз одамимиз
бўлади, — мана, куёвимиз Африкан Савич.

Пелагея Егоровна. Вой, вой, бу нима дега-
нинг?

Коршунов. Биз ҳамма ишни битишиб қўйдик,
Пелагея Егоровна... Нега мунча кўрқмасангиз, қи-
зингизни еб қўймасман.

Пелагея Егоровна. Вой, худое! (Қишми қучоқлайди.) Бу менинг қизим! Бермайман!

Гордей Карпич. Хотин!

Пелагея Егоровна. Отаси, Гордей Карпич, кўнглимни ранжитма!.. Бас қил!.. Юрак-бағрим қон бўлиб кетди.

Гордей Карпич. Хотин, менинг фе'лимни биласан-а!.. Хотиринг жам' бўлсин, Африкан Савич, мен айтганимни қиладиган одамман.

Коршунов. Сўз бердингми, лафзингда тур-ди. (Ўрнидан туради-да, қизлар ёнига келиб, секин гапиришиб туради.)

Любовь Гордеевна (отасининг ёнига бориб). Дадажон! Ихтиёрим сенинг қўлингда, чизган чизигингдан чиқмайман. Мен бечорага раҳминг келсин, ёш умримни хазон қилма!

Гордей Карпич. Ўз бахтингни ўзинг билмайсан, аҳмоқ. Москвада яшайсан, еганинг олдингда, емаганинг кетингда бўлади, кареталарда юрасан. Мана бу пасқам жойда эмас, говжум шаҳарда турасан, — буниси бир. Иккинчиси, менинг амрим шу.

Любовь Гордеевна. Амрингдан чиқолмайман. Дадажон! (Отаси олдида тиз чўкиб.) Мени бир умрга бебахт қилиб қўйма!.. Бу ниятингдан қайт, дадажон!.. Нима қил десанг — қиламан, аммо мени севмаган одамимга зўрлаб берма!..

Гордей Карпич. Мен лафзимдан қайтмайман. (Ўрнидан туради.)

Любовь Гордеевна. Ихтиёр сенда, отажон! (Та'зим қилиб, онасининг ёнига бориб туради.)

Коршунов. Иш тамом, вассалом! Қани, қизлар, ёр-ёрдан бўлсин энди.

Қизлар (ашула айтишади).

Боғларда гул-чечак хазон бўлар,
Чаманзорлар қурир, за'фарон бўлар.
Азиз ёрим, агарда мен бўлмасам.
Ўрнингдан тур, онажовим, эргароқ,
Сув сен, суғар гулларимни дамба-лам,
Оқшомги ва тонги шафақ чиққан чоғ
Гулларга сеп қайноқ кўз ёшингни ҳам.

Любовь Гордеевна. Уни эмас, уни эмас,
бошқасини айтинглар.

Гордей Карпич. Юр, меҳмонхонага чиқайлик,
Африкан Савич. Хотин! Ҳаммаларинг ҳам чиқинг-
лар.

Любовь Гордеевна. Энди нима қиламан-а!.

Гордей Карпич. Арина, вино келтир.

Арина. Шошмайтур, шу пайтда кўнгилга вино
сиғадими! Вой, жонгинам!.. Ҳой қизлар, ҳурилиққо-
лар, мана бу ашулани айтамиз. *(Бошлайди.)*

Севибли онажоним!
Азизим, меҳрибоним,
Кечалар дуоғўйим,
Ғамхўрим, жонажоним!

Онажон, менга қара,
Кўз узмасдан термилгин,
Уз севибли қизингни
Сўнгги бор тўйиб кўргин!

Любовь Гордеевна. Сўнгги бор.

Қизлар ашула айтиб турганда Гордей Карпич билан Кор-
мушов чиқиб кетадилар; Любовь Гордеевна онасининг
кучорига ташланади, дугоналари уни ўртага оладилар.

УЧИНЧИ ПАРДА

Торцов уйида кичкина бир хона; у турли-туман шкаф, сандиқ ва этажеркалар блан тўла; эртажеркаларга идишлар, кумуш буюмлар териб қўйилган; мебель: диванлар, креслолар, столлар; ҳамма жиҳозлар жуда чиройлигу, аммо зич. Умуман, бу хона беканинг кабинети бўлиб, бека шу ердан туриб бутун уй-рўзгорни бошқаради, ўз меҳмонларини ҳам шу ерда бетакаллуф қабул қилади. Бир эшик меҳмонлар обед қилиб ўтирган залга чиқади. иккинчиси ичкари уйларга киради.

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Арина залга кирадиган эшик ёнидаги стулда ўтиради; ёнида бирнеча қизлар блан аёллар.

Арина (*зални кўрсатиб*). Сракутмагандик, она-хонларим, бу тушимизга ҳам кирмаган эди. Томдан тараша тушгандай, лочин бўлиб учиб келдию, қушчамизни ота-онасининг қўлидан чанг солиб илди-кетди, қовми-қариндошларидан, дугоналаридан ажратди, қўйди. Ўзимиз ҳам билмай қобмиз!.. Бундун ёнинг ишларини билиб бўлмас экан-да. Ҳозирги замон одамлари айёр, қийлагар, писмиқ бўларкан. Гордей Карпичнинг атрофида айланди, ўргилди, парвона бўлди, ишқилиб бош-кўзини айлантирди, қўйди, Гордей Карпич бўлса қариган чоғида унинг давлатига учиб ўтирипти! Маликадай қизчамизни қари бир бедавога унашиб қўйди-я. Ана, оппоғим, кабутарим ўтирипти, — кўзига олам қопқоронғи. Вой, ўлмасам! Ўзим қўлимда кўтариб, эркалаб, катта қилганман сени, худди қуш асрагандай асраганман-а!..

Яқиндагина иккимиз шу тўғрида гапиришиб ўтирувдик. Сени оддий кишига бермаймиз, болам, дегандим; бошқа юртнинг шаҳодаси келиб, дарвозангга бош урса унда бошқа гап, деб ўтирувдим. Айтганимиздай бўлмади. Ана, бизни бир-биримиздан жудо қилган одам ўтирипти, бақбақалоқ, лаблари дўрдоқ! Қизимиздан кўзини узмай тиржайиб ўтирипти-я! Ху, уйнинг куйсин! Ана овқатни еб бўлишди, туришди, ишларингга боринглар энди. *(Стулдан туради.)*

Хотинлар кетади. Пелагея Гордеевна киради.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Арина блан Пелагея Гордеевна.

Пелагея Гордеевна. Бор, Аринушка, идиш-товоқларни йиғиштириб олишга қарашиб юбор... ҳа... Мен пича ўтириб дамимни олай, чарчадим.

Арина. Уззу кун тинмай юрганингдан кейин, чарчамайсанми, онахоним, ахир, ёш эмассан!.

Пелагея Егоровна *(диванга ўтиради)*. Уҳ... Ҳа, айтгин, қизлар хонасига самовар келтиришсин, катта самоварни... энг каттасини. Аннушкани менга айтиб юбор.

Арина. Хўп бўлади, хўп бўлади.

Пелагея Егоровна. Ҳа... борақол... борақол... Уҳ, тинкам қуриб кетди!

Арина чиқиб кетади.

Бошим лўқиллаб оғрияпти! Дард устига чипқон дегандай, мана бу ташвишлар ортиқча бўлди. Ҳаммаёқда ташвиш! Уф, бай-бай-бай! Оёғимда оёқ қолмади, чарчадим! Ишим бошимдан ошиб ётиптию, хаёлим бошқа ёқда... Уни қил, бунга югур, нимадан бошлашни билмайман... Дарҳақиқат... ҳа... *(Хаёлга чумиб ўтиради.)* Бу қанақа куёв бўлди энди, қанақа куёв бўлди бу... Вой, вой, вой!.. Меҳри-муҳаббат қийда! Қизим унинг давлатига учармиди!.. Бўйи етиб турган қиз бўлса... гоҳо қалби ҳам талпиниб турса керак. Унга ҳозир камбағал бўлса ҳамки, кўнглига

ёққан ёр бўлса... Аж, шунда роҳат қилиб яшаган...
умр сурган бўларди..

Анна Ивановна киради.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Пелагея Егоровна блан Анна Ивановна.

Пелагея Егоровна. Ма, чой қутининг калити. Чиқиб, меҳмонларга чой қуйиб бериб ўтир. Нима керак бўлса — дастурхонга қўй, нима кераклигини эса ўзинг биласан! Оёғимнинг тинка мадори қолмади, сен ёш жувонсан... хизмат қил... ҳа.

Анна Ивановна. Нега аярганман хизматимни, қўлим узилиб кетмайди-ку. (*Калитларни олади.*)

Пелагея Егоровна. Чой ҳов анави шкафта, қизил қутида турипти.

Анна Ивановна шкафни очиб, қутини олади. Митя киради.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Ўшалар блан Митя.

Пелагея Егоровна. Нима дейсан, Митенька? Митя (*йиғлай-йиғлай дейди*). Мен... Мен... Пелагея Егоровна, балки сизнинг қилган меҳрибончилигингиз, силаб-сийпашларингизга арзимасман ҳам... етимча деб ташлаб қўймадингиз, онам ўрнини босдингиз... умрим бўйи сиздан миннатдор бўлишим, ҳамиша дуои жонингизни қилиб юришим керак. (*Таъзим қилади.*)

Пелагея Егоровна. Сенга нима бўлди, Митя? Митя. Ҳамма қилган яхшилигингиз учун раҳмат. Энди хайр, Пелагея Егоровна! (*Туради.*)

Пелагея Егоровна. Ҳа, йўл бўлсин?

Митя. Ойимнинг ёнига кетмоқчиман.

Пелагея Егоровна. Неча кунга бориб келмоқчисан?

Митя. Хўжайиндан ҳайит кунига жавоб олдим, аммо қайтиб келмасман дейман.

Пелагея Егоровна. Нега энди бизни ташлаб кетмоқчисан?

Митя (*оғирлигини гоҳ у оёғига, гоҳ бу оёғига ташлаб*). Шунақа бўлиб қолди!.. Бошқача иложим йўқ... кетишга мажбур бўлиб қолдим.

Пелагея Егоровна. Қачон кетмоқчисан?

Митя. Шу бугун кечаси. (*Сукут.*) Кечгача кўришолмасмиз деб, хайрлашгани келувдим.

Пелагея Егоровна. Нима ҳам қилдик, Митя, агар кетишинг зарур бўлса... сени зўрламаймиз, худ-до ёр бўлсин... Яхши бор...

Митя (*Пелагеяга та'зим қилади, кейин у блан ва Анна Ивановна блан ўпишади, кейин яна та'зим қилиб, тўхтайди.*) Любовь Гордеевна блан ҳам хайрлашмоқчи эдим... Бир хонадонда бирга яшадик, ахир...ё ўлиб кетарман ё бўлмаса...

Пелагея Егоровна. Ҳа, ҳа, албатта, хайрлашиб кетишинг керак. Хайрлаш, хайрлаш!.. Аннушка, бориб Любушкани чақир.

Анна Ивановна (*бош чайқайди*). „Бири бир қўлидан тортса, иккинчиси бошқа қўлидан тортади, яна бири кўз ёши тўкади, севгани блан қовушолмади“. (*Чиқиб кетади.*)

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Пелагея Егоровна блан Митя.

Пелагея Егоровна. Бизнинг бошимизга тушган кулфатдан хабаринг борми? Бу кулфатдан қандай қутулишни билмай бошим қотиб ўтирибман... Худди яшин ургандай, ҳали-ҳали ўзимга келолмайман!

Митя. Ким айбдор бунга, бировдан кўриб нима қиласиз, ўзингиз ўз қўлингиз блан тутқазиб ўтирибсизку.

Пелагея Егоровна. Ўзимиз... ўзимиз... ўз қўлимиз блан тутқаздик, айтганинг тўғри, Митя, қизнинг ихтиёри менда бўлганда берармидим! Нима, мен ўз қизимга душманманми?

Митя. Одамларнинг гапига қараганда, унча ях-

ши одам эмас эмни. Хечким яхши демайди, ҳамми
смон дейди.

Пелагея Егоровна. Биламан, Митенька, би
ламан.

Митя. Мана энди, шу овозаларга қараганда, ба
шарти Любовь Гордеевна шу одамга тегсалар, ха
зон бўладилар.

Пелагея Егоровна. Нимасини айтасан, Ми
тенька, нимасини айтасан... қўй, сенсиз ҳам ўлай деб
ўтирибман ўзим. Қизим бечорага тикилавериб, куз
ларимда нур қолмади. Яна тўйиб-тўйиб қараб олай
дейман. Худди гўрга қўйиб келмоқчи бўлган одам
дай.

Митя (*йиғламсираб.*) Ҳа бу нима деган гап
бўлди энди! Одам деган ҳам шунақа қиладими? Ўз
қизингиз-ку, ахир!..

Пелагея Егоровна. Ўзимнинг қизим бўлма
ганда шунча ўлиб тирилармидим, юрак-бағрим шун
ча қон-зардоб бўлармиди.

Митя. Йиғлаб ўтиргандан кўра, берманг, қўйинг.
Нега қизингизни қул қилиб бериб, умрини хазон
қиласиз? Гуноҳ эмасми? Қизингизга берган азобингиз
учун худонинг олдида жавоб берасиз.

Пелагея Егоровна. Биламан, ҳаммасини ҳам
биламан, аммо ихтиёр менда эмас деб айтаяпман-ку
сенга, ахир. Мунча ярамга туз сепмасанг? Сенсиз
ҳам карахт бўлиб ўтирибман, сен тагин ўлганимнинг
устига чиқиб тепаяпсан. Менга раҳминг келмайдими,
Митенька!

Митя. Бу гапингиз тўғрию, Пелагея Егоровна,
дарди-дун'ёим қоронғи бўлиб ўтирибман; эҳтимол,
сиздан кўра менинг дардим оғирроқдир. Мен сизга
шу қадар ишонаманки, ҳатто ичимдаги сиримни ҳам
худди онамга очгандай, очиб гапираман. (*Кўзларини
рўмолчаси блан артади.*) Кеча қиз-йигитлар маж
лиси бўлган эдику... (*Йиғиси сўзлашига халақит
беради.*)

Пелагея Егоровна. Ҳа, ҳа, гапир, гапир...

Митя. Ўшанда биз иккимиз қоронғида ўтириб
гапни бир жойга қўйган эдик, онахон, иккаламиз
сиз блан, Гордей Карпичнинг олдида кириб, қани,

фотиҳа беринглар, бир биримизсиз яшайолмаймиз деб
қилинмоқчи бўлувдик (*кўз ёшларини артади*); бугун
қилиб эшитсамки... тарвузим қўлтигимдан тушиб
ётирибман энди!

Пелагея Егоровна. Ростдан-а?

Митя. Худо урсин, рост бўлмаса, Пелагея Его-
ровна.

Пелагея Егоровна. Вой, шўринг қурғу-ур!
Вой, бебахт йигит!

Любовь Гордеевна киради.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Ўшалар ва Любовь Гордеевна.

Пелагея Егоровна. Қизим, мана, Митя хайр-
лашмоқчи: ойисиникига кетмоқчи бўлиб турипти.

Митя (*та'зим қилади*). Яхши қолинг, Любовь
Гордеевна!.. Мендан ёмонлик ўтган бўлса, узр!

Любовь Гордеевна. Яхши бор, Митя! (*Та'-
зим қилади.*)

Пелагея Егоровна. Айрилиш олдидан ўпи-
шиб олинглар, балки шу-шу кўришмай кетарсизлар...
ҳа... ўпишса нима қипти!

Митя блан Любовь Гордеевна ўпишадилар; Любовь
Гордеевна диванга ўтириб йиғлайди. Митя ҳам йиғлайди.

Бўлди, қўйинглар, йиғламанглар! Жинни бўлиб ке-
таман!

Митя. Майли, бўлганча бўлар! Таваккал! (*Пе-
лагея Егоровнанинг ёнига келади.*) Пелагея Его-
ровна, қизингизни чолга берганингизга ачинасизми,
йўқми?

Пелагея Егоровна. Ачинмасам, йиғлаб ўти-
рармидим.

Митя. Гапираверайми, Пелагея Егоровна?

Пелагея Егоровна. Гапир.

Митя. Гап шундай: қизингизни қалинроқ кийин-
тиринг. Секин ташқарига чиқсин: чанага ўтқазама-
ну, оламан, кетаман! Қани, чол топиб кўрсинчи,
майли, каллам кетса кетақолсин. Онамнинг ёнига олиб

бораман-да, ўша ерда никоҳ қиламиз. Эҳ! Қуйинг, кўнглимга эркинлик беринг, бир яйрасин! Жавобгарликка тортсалар нима учун жавобгар бўлганимдан хабардор бўламан-ку!

Пелагея Егоровна. Бу нима деганинг, тентак, бу нима деганинг?

Любовь Гордеевна. Нима қилмоқчисан, Митя!

Митя. Бундан чиқдики, яхши кўрмас экансан-да? Мендан кўнглинг қолдими?

Любовь Гордеевна. Сен даҳшатли гапларни гапираяпсан?

Пелагея Егоровна. Нималарни ўйлаб чиқараяпсан, тентак! Бунақанги гуноҳ қилишга ким жур'ат этади... ҳа... фикрингдан қайт... сенга бир бало бўлди ми ўзи!

Митя. Ахир, мен ачинсангиз деяпманку; агар қизингизга ачинмасангиз бераверинг Африкан Савичга, қул қилиб сотаверинг. Қизингизнинг турмушини кўриб, ўзингиз қон бўлиб кетасиз ҳали. Гордей Карпич икковингиз э аттанг деб пешоналарингга урасизлару, аммо ғишт қолипдан кўчган бўлади.

Пелагея Егоровна. Отаси фотиҳа бермасдан туриб, қандай қилай, ахир! Қандай қилай, ўзинг танангга ўйлаб кўр!

Митя. Албатта, фотиҳасиз турмуш-турмуш эмас! Бўлмаса ўзингиз фотиҳа бериб юборақолинг, Пелагея Егоровна (*тиз чўкиб туради*), Гордей Карпич балки... кейинроқ ўзлари...

Пелагея Егоровна. Энди нима қиламан-а! Эс-ҳушимдан айрилиб қолдим... Ҳечнарсга ақлим етмайди... ҳа... бошим гир-гир айланади... Юрак-бағрим ўртаниб кетди, болаларим!..

Любовь Гордеевна (*Митянинг ёнига келиб*). Йўқ, Митя, бундай қилиш ярамайди! Бекорга ўзингни ўзинг қийнама, қўй! (*Митяни ўрнидан турғизади.*) Куйган юрагимни баттарроқ куйдирма. Ўзинг кетавер, худо ёр бўлсин! Хайр, яхши бор!

Митя. Нега мени шунча алдаб, мазах қилиб келдинг?

Любовь Гордеевна. Кел, қўй, Митя, унақа дема. Сени алдаб нима қилардим, нега алдай? Сени

яхши кўриб қолдим, буни сенга ўзим айтдим. Аммо мен ота-онамнинг измидан чиқаолмайман. Отам тег деркан, тегишим керак. Отамга бўйсуним керак, негаки, қизларнинг тақдири шунақа. Пешонамга битгани шу экан. Қадимдан бери одат шу. Одамлар мени ёмонлаб юришмасин деган андиша блан отамнинг гапига қарши чиқмайман. Шу туфайли юракбағримни қон қилган бўлсам ҳам биламанки, бу ишни қонундан ташқари чиқмай қилдим, шунинг учун ҳечким мени масхара қилмайди. Хайр, яхши бор!

Ўпишадилар.

Митя. Хўп, майли, насиб бўлмаган экан-да!

Любовь Гордеевна диванга ўтириб йиғлайди.

Яхши қол! (*Пелагея Егоровнага та'зим қилади.*)
Яхши қолинг, меҳрибоним Пелагея Егоровна! Саҳоватингизни, меҳрибончиликларингизни асло унутмайман: мен етимча болани мусофирликда ташлаб қўймадингиз.

Пелагея Егоровна. Яхши бор, болам, биздан хафа бўлма, гуноҳ бўлади. Худо бахтингни берсин... биз ҳам сени унутмаймиз.

Митя та'зим қилиб чиқиб кетади.

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Пелагея Егоровна блан Любовь Гордеевна, кейин Коршунов

Пелагея Егоровна. Ҳа, Любушка, йигитга раҳминг келаяптими? Эҳ, қизим, қизгинам!.. Уни яхши кўриб юрган экансану, менинг хабарим ҳам йўқ экан. Мен кампир ўлгурда эс қаёқда дейсан... Ёилганимда ҳам нима қилаолардим? Кўз ёши тўкишидан бошқа иложим йўқ, ўз қизимнинг изми ҳам менда эмас. Қанийди энди, ихтиёр менда бўлса! Қариган чоғимда роҳатини кўрардим. Ўзи туппа-тузуккина йигит, меҳрибонгина, мен кампирни ҳам ҳурмат қиларди. Сенга қарайман, қарайман, қизим, хафа

бўлишини ҳам биламан!.. аммо нима қилай, қўлимдан ҳечнарсга келмаса!

Любовь Гордеевна. Келинг, ойижон, кўп ўзингизни қийнаманг, барибир қўлимиздан ҳечнарсга келмайди. (*Жим ўтиради.*)

Эшик тақиллайди; Коршуновнинг: „Мумкинми?“ деган товуши келади.

Пелагея Егоровна. Кириг, отахон.

Коршунов (*киратуриб*). Э, ана; менинг қайлиқчам бу ерда беркиниб ўтирган экану... ҳе.., топанан, топмасдан қўймайман. Рухсат этсангиз, Пелагея Егоровна, қизингиз блан ўз ишларимиз тўғрисида пичагина махфий гапиришиб олсак.

Пелагея Егоровна. Марҳамат, отахон. (*Чикиб кетади.*)

Коршунов (*Любовь Гордеевнанинг ёнига келиб ўтиради*). Нимага йиғлаяпсиз, ойимқиз? Уяте, уят, ҳе, ҳе, ҳе... Мана мен, сиздан катта бўлсам ҳам, йиғламайманку... (*Унга тикилиб қарайди.*) Нимага йиғлаётганингизни билиб турибман: ёшга тегмоқчисизку, а? Ҳа, бу қизларга хос тентакликку, жоним (*унинг қўлидан ушлаб ўпади*), тентаклик. Гапимга қулоқ солинг... мен ҳақ гапни гапираман, бор гапни айтаман... бировни алдашни ёмон кўраман, алдаб ҳам нима қиламан? Эшитасизми?

Любовь Гордеевна. Гапиринг.

Коршунов. Яхши. Гапни шундан бошлайлик, бўлмаса. Ёш йигит сизнинг муҳаббатингиз қадрига етармиди? Ёш йигитни ҳамма ҳам яхши кўраверади, бунақа нарсга ёш йигит ўрганган бўлади, аммо бунинг қадрига кекса одам етади. Кекса кишини яхши кўрсангиз сизга совға ҳам олиб келиб туради, уни қилади, буни қилади, тилла буюмлар, барқутлар олиб беради, нима блан эркалашни билмай қолади. (*Унинг қўлидан ўпади.*) Москвада бўлса магазинларда бунақа нарсалар тўлиб ётипти, хоҳлаганинг топилади. Шунинг учун айтаманки, кексани яхши кўриш фойдали... Бу бир... Иккинчидан: ёш ва чиройли эрлар ҳамиша енгилтак бўлади, бир маҳал қарайсанки, четда бошқа хотин кетидан судралиб юрган бўлади

а булмаса бошқа бир хоним уни севиб қолади-да, уа хотини эса уйда хазондай сарғайиб ўтиради... Ги-нахонлик, рашк бошланади... Рашк дегани нима ўзи, а? хе... хе... Рашкнинг нималигини биласизми, бекам?

Любовь Гордеевна. Йўқ, билмайман.

Коршунув. Мен биламан... Рашк деган нарсa қўлга нина тикиб олиш эмас, ундан кўра қаттиқроқ огритади. Ахир, одамни хазон қилиб юборади, ла-пати. Рашк туфайли одамлар бир-бирини сўйиб ке-тади, маргимуш еб ўзини-ўзи ўлдиради! (*Асабий равишда кулиб, йўталади.*) Кекса одамни яхши кўр-сачи? Хотиржам яшайверади. Яна шуни ҳам айтиб қўяйки, азиз маликам, ёшлар ўйин-кулгини, айш-иш-рат ва шунга ўхшаш нарсаларни яхши кўришади, хотини эса уйдан ташқари чиқмай ярим кечагача тик этса эшикка қараб ўтиргани ўтирган. Эри маст-аласт бўлиб келади-да, ўзини кўрсатади. Кекса эр-чи? Кекса эр хотинининг ёнидан силжимай ўтиради; ўл-са ўладик, аммо ёнидан нари кетмайди. Кўзларига термулиб, уёқ-буёғини силаб, қўлларидан ўпиб ўти-ради... (*Упади.*) Мана бунақа қилади.

Любовь Гордеевна. Ўлган хотинингиз сизни яхши кўрармиди?

Коршунув (*унинг юзига тикилиб қарайди*). Буни сўраб нима қиласиз, ойимқиз?

Любовь Гордеевна. Ўзим, шундай, билгим келди.

Коршунув. Билгингиз келдими?.. (*Ўрнидан туради.*) Йўқ, яхши кўрмасди, мен ҳам уни сев-мас эдим. Севишга ҳам арзимасди ўзи. Мен уни фа-қат ҳуснига қизиқиб бечора, гадо бўлишига қарамай олувдим, бутун оиласини боқдим; отасини авахтадан қутқариб қолдим; бошидан тилла сочардим.

Любовь Гордеевна. Муҳаббат олтинга со-тилмайди.

Коршунув. Хоҳ сев, хоҳ севма, аммо тез-тез қараб турсанг бўлгани, дердим. Улар, мен сенга айт-сам, жуда пулга муҳтож бўлиб қолган эдилар, ейиш-га ноилари ҳам йўқ эди, йўқ демай пул бериб тур-дим, аммо мени севишларини истайман. Буни талаб қилишга ҳақим борми ё йўқми? Шу деб унга пул

тулардим-да. Мендан болиш гуноҳ бўлади: мен яхши курган одамимни бошимга кўтараман: аммо ёмон куриб қолган одамимнинг ҳолига вой! (*Ҳаяжонланиб юради.*) Шундақангги одам менинг душманим, унинг кўзимга кўринмагани яхши! Гапим ва кўзим блан гажиб ташлайман; унга тинчлик ҳам бермайман, мен... (*Бирдан тўхтаб, хахолаб кулади.*) Сиз ростдан ҳам мени ёвуз одам экан деб ўйладингиз, дейман-а?.. хе... хе... Жўрттага шундай ҳазиллашаяпман Мен содда, меҳрибон чолман... Мен сизни қўлимда кўтариб юраман (*аллалайди*), беланчакка солиб теб-ратаман, ашулалар айтиб бераман... (*унинг қўлларидан ўпади.*)

Гордей Карпич киради.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Любовь Гордсевна, Коршунов ва
Гордей Карпич.

Гордей Карпич. Э-э, куёвим бу ерда экан-ку! Биз сени қидириб юрибмиз. Ишлар шампанскоега айланиб кетди. Қани, юринглар, меҳмонлар олдига чиқайлик, сенсиз базм ҳам бўлмай турипти.

Коршунов. Менга шу ернинг ўзи ҳам яхши.

Гордей Карпич. Ундоғ бўлса, айтай, шу ерга келтирсин, иккаламиз шу ерда ичамиз. (*Эшик олдига боради.*) Ҳой, йигитча! Вино келтир буёққа! Кумуш патнисда олиб кел. (*Утиради.*) Хўш, куёв, энди нима дейсан?

Коршунов. Ҳечнарсa демайман.

Гордей Карпич. Нега ҳечнарсa демайсан?

Коршунов. Шундай, ўзим.

Гордей Карпич. Кел, қўй ҳазилингни! (*Коршуновга қарайди.*) Энди менинг ким эканимни билдингми?

Коршунов. Нега билмай?

Гордей Карпич. Мана, сен блан иккимиз куришдик, танишдик, ичишдик, қани, энди айтчи, мен қанақа одам эканман? Менинг қадримга етишарканми бу ерда?

Коршун ов. Қадрингга етишиб бўпти.

Гордей Карпич. Йўқ, сен менга бир гапни айтиш: ҳамма нарсам жойида эканми? Бошқаларникида дастурхон тепасида чакмон кийган йигит ё бўлмаса қиз хизмат қилади, меникида, ўзинг кўрдингку, қулига қўлқоп кийган фициянтлар хизмат қилади. Мана шу фициянт жуда уста одам, Москвадан келган, ҳамма тартиб-қоидаларни билади: кимни қаерга утқазишни, нима қилишни яхши билади. Бошқаларникида-чи! Бир уйга тиқилишиб олишади-да, мужикларга ўхшаб ашула айтишгани айтишган. Хушчақчақлик қиладилару, аммо менимча бу пастлик, бизга тўғри келмайди. Ичимликларини айтмайсанми, нодонларнинг! Наливка, вишневкалардан бўлагини билишмайди... бундай вақтларда шампанское кетишини англамайдилар! Қанийди, Москвадами ё Питербурхдами турсам, қандай мода чиқса шунга тақлид қилардим.

Коршун ов. Ҳарқанақасига?

Гордей Карпич. Ҳарқанақасига. Бор пулимни сарфласам сарфлардиму, аммо ўзимни кўрсатардим. Менга қара, ҳой, қизим, эҳтиёт бўлиб юргин, ўзингни тийиб юр-а, қайлиғингга ёқмай қолишинг ҳам мумкин, буни москвали дейдилар. Юриш-туришни ҳам билмасанг керак, қаерда қандай гапириш ҳам қўлингдан келмайди ҳали.

Любовь Гордеевна. Билганимни гапираверман-да, дада; пансионда ўқимаган бўлсам.

Официант кириб Коршун ов блан Гордей Карпичга вино тутади; шишани столга қўйиб, ўзи чиқиб кетади.

Гордей Карпич. Мана шунақа ишлар, куёв! Гордей Карпич Торцовнинг ҳам кимлигини билиб қўйишсин!

Егорушка киради.

Егорушка. Гордей Карпич амаки, буёққа чиқинг.

Гордей Карпич. Нима дейсан?

Егорушка. Чиқинг; қизиқ иш. *(Кулади.)*

Гордей Карпич. Нима гап?

Егорушка. Любим Карпич амаким келдилар.

Гордей Карпич. Нега киритишди уни?

Егорушка. Киргилари кепти-да сра бас келол-мидик. *(Хахолайди.)*

Гордей Карпич. Нима қилаяпти?

Егорушка. Меҳмонларни ҳайлаб чиқараяпти-лар, *(Хахолайди.)* Бировнинг нонини туя қилишга жуда устасанлар, дейдилар... Мен ҳам уйнинг хўжайини бўламан, дейдилар... мен, дейдилар... *(Хахолаб кулади.)*

Гордей Карпич. Тсс... Роса шарманда қилди-ку! *(Егорушка блан бирга чиқиб кетади.)*

Коршунов. У ёқда нима гап ўзи?

Любовь Гордеевна. Билмадим. Амаким бир-нима қилаётгандирда... Ба'зан жиннилиги тутиб туради.

Разлюляев, Маша ва Лиза кирадилар.

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Любовь Гордеевна, Коршунов, Разлюляев,
Маша ҳамда Лиза.

Пелагея Егоровна *(эшикдан туриб)*. Иним қани?.. Қани Любим Карпич? Нималар қилди у, нималар қилиб қўйди!

Любовь Гордеевна. Бу ерда йўқлар, ойижон.

Пелагея Гордеевна кетади.

Разлюляев. Ана холос! Любим Карпичнинг жуда ғалати қилиқлари бор-да! ха... ха... ха!.. Шунанганги қилиқлар қиладики, ҳайронлар қоласан!

Лиза. Ҳеч куладиган жойи йўқ, нодонлик, холос!

Маша. Уялиб кетганимдан қаёққа қочишимни билмабман.

Диванга ўтирадилар.

Любим Карпич киради.

ЎНИНЧИ КЎРИНИШ

Ўшалар ва Любим Карпич.

Лиза. Вой ўлай, тағин-а!

Маша. Бу даҳшатку!

Разлюляев. Ха, ха, ха!..

Любим Карпич. Гур, гур, гур... буль, буль, буль!.. Бармоқ блан ўн тийин, бодринг блан ўн беш тийин!.. Қадирдон ошнамга! (*Коршуновга қўл узмади.*) Салом!.. Бир мингу бир кун кўришмабмиз! Аҳволингиз қалай?

Коршунов. Э, сенмисан, Любим?

Любим Карпич (*юзини қўллари блан беркитиб.*) Мен эмасман, туя кўрдингми, йўқ.

Коршунов. Мен сени танидим, оғайни, шаҳарда тиланиб юрардинг.

Любим Карпич. Шаҳар кўчаларида тиланиб юрганим эсингда экан; иккимиз бирга айш-ишрат қилганларимиз, кузнинг қоронғи кечалари майхонадан қовоқхоналарга ўтиб юрганларимиз ҳам эсингдами? Мени ким хонавайрон қилгани, ким туфайли гадо бўлиб қолганим ҳам эсингдами?

Коршунов. Нега ўзинг бўш келдинг? Сени ҳеч-ким ёқангдан тортиб бу йўлга олиб кирмади-ку, оғайни. Айб ўзингда.

Любим Карпич. Менку аҳмоқ эканман-а, аммо ўзингнинг ҳам номусинг йўқ экан! Сен мени кўкларга кўтардинг, у дединг, бу дединг, аммо мен бирон нарса ўғирламаган бўлсам ҳам, одамларнинг кўзига қарашга уяламан!

Коршунов. Ҳали ҳам ҳазилкаш экансан! (*Любовь Гордеевнага қараб.*) Амакингиз жуда ҳазилкаш одам. Эски қадирдонлигимизни назарга олиб, бир сўлкавой берар эканмиз-да.

Любим Карпич. Тсс... Сўлкавой блан қутулиб кетмассиз дейман! Тўла эски қарзингни, жияним учун миллион уч юз минг тўлайсан!.. Бундан арзонга бермайман.

Коршунов (*кулади*). Бир тийини ҳам кам бўлмайди дегин?

Любим Карпич. Бир тийин ҳам ками йўқ!

Разлюляев. Вой, Любим Карпичей! Бир тийин ҳам камига юрма.

Гордей Карпич киради

Ўшалар ва Гордей Карпич.

Гордей Карпич. Э, шу ердамисан! Мени нима қилмоқчисан, а? Кўзимдан йўқол!

Коршунов. Шошмай тур, Гордей Карпич, ҳайдама, нега ҳайдайсан! Пича масхарабозлик қилсин, кўрайлик. Хе, хе, хе!...

Любим Карпич. Акам қизини сенга бериб, ўзини-ўзи майна қилмоқда, сени шундай масхара қилайки, келган жойингни тополмай қолгин!

Гордей Карпич. Буер бунинг жойи эмас. Чиқ, жуна!

Любим Карпич. Шошма, ака, ҳайдамай тур. Сен: Любим Торцов ҳазилвонлик қилгани келди, у маст, деб ўйлагандирсан? Мен сизларга жумбоқ айтгани келдим. *(Коршуновга қараб.)* Эшакнинг қулоғи нега узун бўлади? Қани, айтчи?

Разлюляев. Мана буни жумбоқ дейдилар!

Коршунов. Мен қаёқдан билай?

Любим Карпич. Унинг эшаклигини ҳамма билсин учун. *(Акасига қараб.)* Мана сенга бир жумбоқ: қизингни кимга узатаётибсан?

Гордей Карпич. Бу сенинг ишинг эмас! Мендан гап сўрашга ҳақинг йўқ!

Любим Карпич. Яна битта савол: ўзинг ҳалол савдогармисан, йўқми? Ҳалол бўлсанг — ҳаромлар блан юрма, қозонга яқинлашсанг, қораси юқади.

Коршунов. Ҳазил қилсанг, билиб қил, оғайни! Ё буни ҳайдаб чиқар, ё оғзини юмсин.

Любим Карпич. Сени айтаман! Ўзинг ҳам қозондай оппоқдирсан-а!

Гордей Карпич. Ука, яхшилиқча кет, йўқса ишинг чатоқ бўлади.

Любовь Гордеевна *(қўрқиб туриб кетади)*. Амаки, қўйинг энди!

Любим Карпич. Қўймайман! Энди қоним қайнаб кетди!

Хизматкорлар ва меҳмонлар кирадилар.

ЎН ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Ўшалар, Пелагея Егоровна, Анна Ивановна,
Гуслин, меҳмонлар ва ходимлар.

Любим Карпич. Халойиқ, эшитинг! Любим Торцовни хўрлашмоқда, уйдан ҳайдаб чиқаришмоқда. Меҳмондан нима кам? Нега мени ҳайдайдилар? Эғним кир бўлса ҳам виждоним тоза. Мен Коршунов эмасман: камбағал-қашшоқларни талаганим, кишиларнинг ҳақиға хиёнат қилганим йўқ, рашк қилиб хотинимни ўлдириб юборганим ҳам йўқ... Мени ҳайдашадию, уни бўлса азиз меҳмон қилиб тўрга ўтқи-зишади. Хотинини ўлдирган бўлса нима қипти, бошқасини беришади: мана, акам қизини бермоқда! Ҳа, ҳа, ҳа! *(Фожияли равишда хаҳолаб кулади.)*

Коршунов *(ўрнидан ирғиб туриб кетади)*. Бунинг гапига ишонманглар: ҳамма гапи ёлгон, мендан ўч олмоқчи, мастлик блан гапираяпти.

Любим Карпич. Қанақа ўч! Мен сени аллақачон кечирганман. Мен кичкина, арзимаган бир одамман, қумурсқаман! Сен бошқаларга ёмонлик қилмасанг бўлгани!

Гордей Карпич *(хизматкорларга қараб)*. Олиб чиқиб кетинглар бунини!

Любим Карпич *(бармоғини юқори кўтариб)*. Сс... Тегма менга! Дун'ёда беор, беомус киши ҳузур қиларкан!.. Эҳ, одамлар, одамлар! Любим Торцов пияниста бўлса ҳам, сенлардан минг марта яхши! Мана энди ўзим ҳам чиқиб кетаман. *(Халойиққа қараб.)* Йўлни кенгроқ оч, Любим Торцов келаётир! *(Чиқиб кетади ва дарҳол қайтади.)* Золим, жаллод! *(Кетади.)*

Коршунов *(зўраки кулади)*. Ҳали уйимда шунақа тартиб-қоидалар бор дегин? Уйимга келган меҳмонларни мастларга ҳақорат қилдирадиган одат чиқарганман дегин? Хе, хе, хе! Яна Москвага кўчиб кетаман, бу ерда менинг қадримга етишмайди, дейди-я. Москвада сенга ўхшаган аҳмоқларнинг уруғи қуриган, сендақаларни кўришса, кулишади. Яна куёвим, куёвим деганини қара! Хе, хе, хе! Вой, қадирдон қайиннотамей! Йўқ, кечирасиз, мен анойи эмас-

мани, мени бекордан бекорга ҳақорат қилиб кетаверса. Энди менинг уйимга борасану, қизимни олинг деб оёғимга бош урасан.

Гордей Карпич. Мен оёғингга бош ургани бераманми?

Коршунов. Борасан, мен сени биламан. Тўй қилмасдан иложинг йўқ, ўзингни дорга оссанг осанки, аммо бутун шаҳарга номим чиқсин дейсан. Броқ куёв тополмайсан. Маҳа, сенинг дардинг! Хе, хе, хе!

Гордей Карпич. Шу гапларингдан кейин мен ҳам сендан қўлимни ювиб қўлтиғимга урдим! Умрим бино бўлиб бировга ялинган эмасман. Гап шундай бўлса, қизимни тўғри келган одамга ҳам бериб юбаравераман! Устига шунча дул қўшиб бераманки, олмагани ҳам олади...

Митя кириб, эшик Одида тўхтади.

ЎН УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Ўшалар ва Митя.

Митя (*халойиққа қараб*). Нима шовқин?

Гордей Карпич. Ана, Митькага бераман!

Митя. Нима?

Гордей Карпич. Жим тур! Ҳа... Митькага бераман... эртагаёқ узатаман! Шунақанги тўй-тамоша қилиб берайки, оғзинг очилиб қолсин: Москвадан чолғучилар чақиртираман, бир ўзим тўртта каретага тушиб юраман.

Коршунов. Кўрамиз, кўрамиз. Афв сўрагани борасан, биламан! (*Чиқиб кетади.*)

ЎН ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Пелагея Егоровна. Гордей Карпич, кимга бераман дединг?

Гордей Карпич. Митькага дедим... Ҳа! Кеккиншини қараю! Менинг нима кам ундан? „Бориб илинасан“ эмиш-а! Бекорларни айтипти, бориб бўбмани! Жўрттага Митькага бераман, аламадан ёрилиб улсин.

Митя (*Любовь Гордеевна*нинг қўлидан ушлаб, *Гордей Карпич*нинг олдида келади). Нега жўрттага бўлади, Гордей Карпич? Бунақанги ишни жаҳл устида қилмайдилар. Менга жўрттагаси керакмас. Ундан кўра, умр бўйи қийналиб юрганим яхши. Бизга шафқат қилмоқчи бўлсангиз, оталарча меҳри-муҳаббат билан фотиҳа бераверинг. Чунки, биз бир-биримизни севамиз, ҳатто сизга айбимизни ҳам очиб гапирмоқчи эдик... Мен сизга бажону-дил, ўз ўғлингиз қаторида...

Гордей Карпич. Нима, нима, бажону-дил деб нима демоқчисан? Оғзимдан чиқиб кетганига хурсанд бўласан-а? Шундай деб ўйлашга қандай журат этдинг? Нима, бу сенинг тенгингмиди? Ким билан гапиришаётганингни биласанми ўзинг?

Митя. Жуда яхши биламан: менинг хўжайинимсиз, камбағал бўлганим учун қизингизга тенг бўлолмаслигимни ҳам биламан; аммо, нима қилсангиз қилинг: қизингизни жонимдан ҳам яхши кўраман.

Ҳамма ҳайрон.

Любим Карпич қайтиб келиб, халойиқ орасида туради.

ЎН БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Ўшалар ва Любим Карпич.

Гордей Карпич. Нега яхши кўрмас экансан! Дидинг жойида! Шули кўп-да, а, эгнинг бут бўлиб, қорнинг ошга тўйиб қолади.

Митя. Сиздан шу гапларни эшитиш шу қадар оғирки, бирор нарса дейишга ҳам ожизман. Яхшиси индамай қўяқолай. (*Четга чиқиб туради.*) Қани, энди ўзингиз гапиринг, Любовь Гордеевна.

Любовь Гордеевна. Дадажон, шу маҳалга-ча мен сенинг чизган чизигингдан чиқмадим! Бахтли бўлишимни истасанг, мени Митяга берасан.

Пелагея Егоровна. Намунча ўжарлик қилавердинг энди, Гордей Карпич... ҳа! Мунча энди! Энди дардимни унутиб, қувона бошлаган эдимки, яна сен ўз билганингдан қолмайсан. Бир нарсани айтганингдан кейин лафзингда тургин-да, бу нима

қилганинг ахир... Ҳали унга бераман дейсан, ҳали бунга. Нима, қизгинамни қийнаб ўлдирмоқчимисан?

Любим Карпич (*халойиқ орасидан туриб*). Ака, Любушкани Митяга бер.

Гордей Карпич. Яна келдингми, а? Мени бугун қандай шарманда қилганингни биласанми, а? Бутун шаҳар халқи олдида беобрў қилдингку! Шунинглаганингда кўзимга ҳам кўриямасдинг, тагини бу камлик қилгандай, маслаҳат ҳам бераман дейсан-а! Бошқа одам гапирса гапирсину, аммо сен гапирма.

Любим Карпич. Любим Торцов сени шарманда қилгани учун унинг оёғига бош қўйишинг керак!

Пелагея Егоровна. Вой, айланай, Любимушка, айтганинг тўғри, у оёғингга бош қўйиши керак... ҳа... шундай. Сен бизни катта гуноҳдан сақлаб қолдинг; худога минг нола қилсак ҳам, уни юволмасдик.

Гордей Карпич. Нима, мен бу оиланинг жаллодиманми?

Пелагея Егоровна. Жаллодку эмассан-а, тентаклик қилиб, қизингни ҳалок этардинг... Ҳа! Кўнглимдагини очиқ айтавераман. Африкан Савичдан ҳам кўра яхшироқ чолларга қиз узатганлар ҳам жазосини тортиб юришади.

Любим Карпич. Қани, йўл беринглар менга! (*Ашула айтади.*) Трум-ту-тум, трум-ту-тум! (*Уйинга тушади.*) Буёққа қара, буни кўр: мана, Любим Торцов кўз олдингда тирик турипти. Бунақа йўлдан юриб кўрган, бу йўлнинг қанақалигини яхши билди! Мен ҳам бадавлат, шухратли эдим, кареталарда юрардим, шунақанги шўхликлар қилардимки, етти ухлаб тушингга ҳам кирмайди. Мана, олифталгинини қара!

Гордей Карпич. Менга сра гапирма, эшитмайман, сен ўла-ўлгунимча душманимсан.

Любим Карпич. Одаммисан, ҳийвоимисан? Любим Карпичга ҳам пича раҳминг келсин-да! (*Тиз чўкади.*) Ака, Любушкани Митяга бер, Митя менга бош пана беради. Оч, яланғоч юрибман. Кексайиб қолдим, қаҳратон қишда кўча-кўйларда бир бурда

нон топиш учун масхарабозлик қилиб юриш энди менга оғирлик қилади; ҳеч бўлмаса, қариган чоғимда ҳалол кун кўрай дейман. Ахир, мен ҳаммани алдаб юрардим: тиланчилик қилиб топганимни ичардим. Ўзимга яраша бирон иш беришади; ўз овқатимни ўзим топиб ейдиган бўлиб қоламан. Ана шунда худога шукур қиламан. Ака! Менинг нолам ҳам худога етар. Камбағал бўлса нима! Эҳ, қани энди, мен камбағал бўлсам, мен ҳам одам қаторида бўлардим. Камбағаллик айб эмас.

Пелагея Егоровна. Гордей Карпич, наҳотки, бағринг шу қадар тош бўлса, а?

Гордей Карпич (*кўз ёшларини артиб*). Юраги тошдан деб ўйлабмидиларинг? (*Укасини турғизади*.) Ақл ўргатганинг учун раҳмат, укам, йўқса ақлдан озаёзган эканман. Миямга бунақангги чирик хаёлнинг қандай кириб қолганини ўзим ҳам билмайман. (*Митя блан Любовь Гордеевнани қучоқлайди*.) Қани, болалар, амакинг Любим Карпичга раҳмат айтинглар, қўшақаринглар.

Пелагея Егоровна ҳам болаларни бағрига босади.

Гуслин. Тоға, энди менга ҳам мумкинми?

Гордей Карпич. Мумкин, мумкин. Кимга нима керак бўлса—айтинглар: мен энди бошқа одам бўлиб қолдим.

Гуслин. Эҳ, Аннушка, бизнинг ҳам бахтли кунимиз келаркан.

Анна Ивановна. Ана энди тўю-тамошани кўраверасизлар.

Пелагея Егоровна. Роса ўйин-кулги қиламиз!

Разлюляев (*Митянинг ёнига келади-да елкасига бир туширади*). Митя!... Ошнамсан... ҳаммасидан кечдим.. Ўзим яхши кўриб юрардим, сенга буюрган экан... сенга топширдим. Қўлингни бер. (*Қул сиқишадилар*.) Ол дедимми, бўлди, олавер, ошнамсан... Дўстимдан ҳечнарсани аямайман! Биз шунақа одаммиз, билиб қўй! (*Этаги блан кўзларини артиб, Митяни ўпадади*.) У рост айтади: пиянис-

талиқ айб эмас... йўге, камбағаллик айб эмас деганим... Нуқул гапдан адашиб юраман.

Пелагея Егоровна. Ана, холос, ҳамма шу ерда экану! *(Қизларга қараб.)* Қани, қизлар, шўхроғидан олинглар... ҳа, шўхчангидан... Тўйни кўнгилдагидек ўтказамиз... ҳа...

Қизлар ашула бошлайдилар.

Любим Карпич. Тсс... Тингла, команدامни! *(Ашула айтабошлайди; қизлар жўр бўладилар.)*

Гап-сўз бир ерга тинди...
Бор барала қилинди;
Ҳамма иш тонди анжом,
Тўй-базм бўлар оғди.

Парда

На узбекском языке

А. Н. ОСТРОВСКИЙ

БЕДНОСТЬ НЕ ПОРОК

Госиздат УзССР — 1953 — Ташкент

Таржимон О. Раҳимий
Редактор Рустам Комилов
Рассом Г. Соколов
Техредактор П. Уманский
Корректор У. Мухамедова

* * *

Теришга берилди 28/VIII 1953. Босишга
рухсат этилди 13/X 1953. Р 05257. Қоғоз
84×108/₃₂ = 1,063 қоғоз л. = 3,48 босма л.
Нашр л. 3,1. Договор № 284—53. Тиражи
15000. Баҳоси 80 т.

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиз-
датининг 1-нчи босмаҳонаси. 1953.
Тошкент, Ҳамза кўчаси, 33. Заказ № 358.

На узбекском языке

А. Н. ОСТРОВСКИЙ

БЕДНОСТЬ НЕ ПОРОК

Госиздат УзССР — 1953 — Ташкент

Таржимон *О. Раҳимий*

Редактор *Рустам Комилов*

Рассом *Г. Соколов*

Техредактор *П. Уманский*

Корректор *У. Муҳамедова*

* * *

Теринишга берилди 28/VIII 1953. Босишга
рухсат этилди 13/X 1953. Р 05257. Қоғоз
 $84 \times 108/32 = 1,063$ қоғоз л. — 3,48 босма л.
Нашр л. 3,1. Договор № 284—53. Тиражи
15000. Баҳоси 80 т.

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиз-
латининг 1-нчи босмажонаси. 1953.
Тошкент, Ҳамза кўчаси, 33. Заказ № 358.